



# Vatandin yaxshi yor bo'lmas!

# VATANDOSH

Нархи: \$0.25

www.vatandosh.com The First Uzbek Newspaper in the U.S. | AQShdaги биринчи ўзбекча газета | 2012 йил 6 февраль, № 2 (13)

## "ВАТАНДОШ" БИР ЁШДА



Бугунги Америка жамиятининг асосчиларидан бири Томас Жефферсон "Агар мендан газетасиз ҳукуматга эга бўлиш керакми ёки ҳукуматсиз газетга, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан газетани танлаган бўлар эдим", деб таъкидлаган эди.

**2-бетда**

ТИРИКЛИКМИ

# ТИРИКЧИЛИК?

ЁХУД НАВОЙНИ ЎҚИШГА ВАҚТИГИЗ БОРМИ?

**6-7-бетларда**

## МУХТОРОВ СУДИ БОШЛАНДИ



**3-бетда**

## САЙЛОВ - 2012



**8-9-бетларда**

## ЎЗБЕК ПЕЛЕСИ



**11-бетда**

## БУ СОНДА ЯНА:

- ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ БАЗА - **3-бет**
- НАВОЙ 2-ДУБАЙ БЎЛАДИМИ? - **5-бет**
- «БОБУРНОМА» ИНГЛИЗ ТИЛИДА - **12-бет**
- ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИГА - **13-бет**
- ТЕЛЕФОНСИЗ БИР КУН - **16-бет**

## KHAYMANS

Доставка товаров в Узбекистан  
Надежность, Оперативность и высокое Качество обслуживания



USA  
3075 Brighton 14 street,  
Apt.44b Brooklyn,  
New York. 11235-5561  
Tel: +13477223850  
+14077220408



E-mail: info@khaymans.com  
Web: www.khaymans.com



Ўзбекистан  
3 ул. Муқимий,  
Яккасарайский р-н,  
Ташкент.  
Тел: +99871 2806224  
Моб: +99897 1113326

# АРЕСТОВАНЫ?

**ЗВОНИТЕ 24 ЧАСА, 7 ДНЕЙ В НЕДЕЛЮ 718-376-6466**

LAW OFFICES OF BUKH & ASSOC., PLLC ATTORNEYS & COUNSELORS AT LAW

## АРКАДИЙ БУХ

New York, New Jersey & Nevada License

- РАЗВОДЫ И СЕМЕЙНОЕ ПРАВО
- ЗАЩИТА В ФЕДЕРАЛЬНОМ СУДЕ
- ИММИГРАЦИОННЫЕ УСЛУГИ
- БЕСПЛАТНЫЕ КОНСУЛЬТАЦИИ

T: 718-376-6466 F: (718) 376-3033  
1123 Ave Z Brooklyn, NY 11235  
www.bukhlaw.com

ОДИН ИЗ НЕМНОГИХ АДВОКАТОВ, ПРЕДСТАВЛЕННЫХ  
В ГАЗЕТАХ: NEW YORK TIMES, ASSOCIATED PRESS,  
DAILY NEWS И НА ТЕЛЕКАНАЛАХ: CBS, REUTERS



Газетага сайтимиз орқали обуна давом этмоқда: [www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

# “ВАТАНДОШ” БИР ЁШДА: ҚИЛИНГАН ВА ҚИЛИНМАГАН ИШЛАР

Бугунги Америка жамиятининг асосчиларидан бири Томас Жефферсон “Агар мендан газетасиз ҳукуматга эга бўлиш керакми ёки ҳукуматсиз газетга, деб сўрашса, ҳеч иккиланмасдан газетани танлаган бўлар эдим”, деб таъкидлаган эди. Дарҳақиқат, оммавий ахборот воситалари бугун нафақат дунёда юз бераётган ҳодисаларни тарихга муҳрлаб бормоқда, балки одамларнинг конституциявий ҳуқуқи, яъни ахборотга бўлган ҳуқуқи кафолати ҳамдир.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, ҳозирги ахборот асрида оммавий ахборот воситаларининг мақсад-муддаоси ҳам ўзгариб бормоқда. Машҳур россиялик олим Сергей Кара-Мурза айтганидек, ОАВ ҳозирда фақат ахборот воситаси эмас, балки ғоявий қурол вазифасини ҳам бажармоқда. Уларнинг ахборотларида асосий жиҳат одамлар онгини бошқаришга қаратилгандир. Яъни бугун трансмиллий ахборот компаниялари шунчаки ахборот бериш билан шуғулланмаяпти, балки у ёки бу ғояни тарғиб ҳам қилишмоқда.

Содда қилиб айтганда, бугун ахборот макони бошқарилмоқда. Сизу биз яхши биладиган “CNN”, “Fox News” телеканаллари, АҚШ, “BBC” хизмати Буюк Британия, “EuroNews” Европа Иттифоқи, “RussiaToday” эса Россия миллий манфаатларига хизмат қилиши ҳеч кимга сир эмас. Қизиқ жиҳати шундаки, АҚШда давлат ҳокимиятга ким, республикачилар ёки демократлар келишидан қатъи назар, ана шу оммавий ахборот воситалари учун миллий манфаат устуворлиги ўзгармайди.

Бугун дунёнинг қайси бир мамлакатига борманг, ўзбекистонликни учратасиз. Кимдир ўша жойларда таҳсил олаётган бўлса, яна кимдир меҳнат қилмоқда. Бугун улар қаерда бўлмасин, паспортлари хоҳ яшил, хоҳ кўк бўлсин, ЎЗБЕКЛИГИДАН, ЎЗБЕКИСТОН фарзанди эканидан ғурурланади. Шу маънода айтганда, бугун бизда ҳам миллий манфаатларимизни ҳимоя қиладиган, ўзбекларни дунёда тарғиб қиладиган, чет элдаги юртдошларимизга холис, ижтимоий-маърифий мавзуларни ёритадиган оммавий ахборот воситаларига катта эҳтиёж бор. Чунки яқинда

АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқуллодда ва мухтор элчиси Жорж Крол таъкидлаганидек, америкаликлар Ўзбекистон ҳақида жуда кам ахборотга эга.

“Ватандош” Америка диёрида биринчи ягона ўзбек газетаси сифатида ўз фаолиятини бошлаганига ҳам бир йил тўлди. Газета, аввало, АҚШга кўчиб келаётган иммигрантларга ҳуқуқий, ижтимоий, тиб-

ни, Канада, Англия сингари мамлакатлардаги

обуначиларимизга етказиб берилмоқда.

Газетанинг интернетдаги веб-сайти - [www.vatandosh.uz](http://www.vatandosh.uz) ҳам кўпчилиكنинг диққат-эътиборига тушди. Сайтимизга жойлаштирилган мақолалар кунига ўртача 800-1000 мартагача ўқилмоқда. Сўнги етти ой давомида сайтдаги мақолалар жами 126 минг маротабадан зиёд ўқилгани фикримизни тасдиқлайди.

Газетанинг интернет сайтига мақолалар билан танишиш учун АҚШ, Ўзбекистон, Россия, Туркия, Англия сингари 44 мамлакатдан 51 минг нафардан зиёд интернет фойдаланувчиси кирган. Сайт орқали йўлга қўйилган онлайн-обунани ҳам алоҳида қайд этиш жоиз. Бугун сайтга жойлаштирилаётган сўнги ахборот ва мақолалар рўйхати ҳар куни юзлаб кишиларга юборилмоқда.

“Ватандош”нинг келажақдаги мақсадлари катта. АҚШдаги ватандошларимизнинг кундалик турмуши учун муҳим аҳамиятга эга бўлган мавзуларда мақолалар бериб бориш, айна чоғда, Ўзбекистон ва АҚШ муносабатларини изчил ёритиш, маданият, санъат ва бошқа йўналишларда ўқувчиларни қизиқтирган материалларни кўпайтириш, интернетдаги веб-сайтимишни чет элдаги ўзбеклар учун ҳақиқий ахборот порталига айлантириш шулар жумласидандир.

Бу мақсадларимизни, албатта, сиз азиз ўқувчиларимизнинг ёрдамисиз амалга оширишимиз имконсиз. Шу боис биз билан доимий алоқада бўлинг. Йил давомида газетамизни, сайтимишни мунтазам ўқиб борасиз, деб умид қиламиз. Мақолалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларингизни юборинг. Ўз ижодий ишларингиз билан иштирок этинг. “Ватандош” сизнинг овозингиз, минбарингиз бўлсин.

Фарҳод СУЛТОН,  
“Ватандош” газетаси муассиси



Муҳаррир минбари

Vol. 2 (13). Monday,  
February 6, 2012

Publisher:  
**Farhod Sulton**  
farhod@vatandosh.com

Editor-in-Chief:  
**Behzod Mamadiev**  
behzod@vatandosh.com

Deputy Editors:  
**Davronbek Tojialiev**  
davronbek@vatandosh.com

**Mavlon Shukurzoda**  
shukurzoda@vatandosh.com

Editors:  
**Alisher Aymatli**  
aymatli@vatandosh.com

**Toshpulat Rahmatullaev**  
toshpulat@vatandosh.com

Managing Editors:  
**Tamara Nazarova**  
**Ulugbek Qosimov**

Web Developers:  
**Shukhrat Pardaev**  
**Shohruh Kenjaev**

Partner organization:  
**Uzbek Association of  
Commons**

**Editorial and Executive  
office:**

2705 Coney Island Ave.  
Brooklyn, NY. 11235

**Phone:** 646.397.0325

**Web:** [www.vatandosh.com](http://www.vatandosh.com)  
**Email:** [info@vatandosh.com](mailto:info@vatandosh.com)

*All materials in this newspaper have been copyrighted and are the exclusive property of Vatandosh, Inc. and cannot be reproduced without the due consent of the publisher.*

*The views and opinions expressed by our columnists do not necessarily reflect the editors' point of view.*

*We are not responsible for contents of advertisements and products and establishments advertised in Vatandosh.*

## ЖОРЖ КРОЛ: АҚШ ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ БАЗА ҚУРМАЙДИ

АҚШнинг Ўзбекистондаги Фавқуллодда ва Мухтор элчиси Жорж Крол Америка Қўшма Штатларининг мамлакатимиз ҳудудида ҳарбий базалар ташкил этиш нияти йўқлигини уқтирди. Тошкентдаги АҚШ элчихонаси ташкил этган анъанавий Пресс-гапда қилган чиқишида элчи жаноблари, шунингдек, уруш фақат вайронагарчиликлар келтиришини

таъкидлаб, шундай деди: “Давлатимиз Эрон билан вужудга келган вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш имкониятларини изламоқда. Ўзбекистоннинг Эрон билан яхши қўшничилик муносабатларида бўлганлигини ҳамда юртингизнинг минтақада ўзига хос ўрни ва обрўи борлигини инobatга олиб, биз дипломат ва экспертларингиз билан ушбу масалада доимий маслаҳатлашиб ту-

рибмиз”.

Ўз чиқиши давомида Жорж Крол мамлакатларимиз ўртасидаги иккитомонлама муносабатларга, минтақавий ҳамда айрим глобал муаммоларга тўхталиб ўтди. Унинг қайд этишича, ўтган йили ўзаро муносабатларимиз юқори суръатларда ривожланиб борди. Галдаги вазифа эса иқтисодий

(Давоми 3-бетда)

## “ВАТАНДОШ”ГА ОБУНА БЎЛИНГ:

Газетамизга обуна бўлинг. “Ватандош” ҳар ой хонадонингиз меҳмони бўлсин.

[www.vatandosh.com/obuna](http://www.vatandosh.com/obuna)

# ЖАМШИД МУХТОРОВ: “МЕН АЙБДОР ЭМАСМАН”

Маълумки, АҚШ Федерал тергов бюроси Чикагода ўзбекистонлик Жамшид Мухторовни террорчилик гуруҳларига аъзоликда айблаб қўлга олган эди. У тегишли хорижий террорчиларга моддий ёрдам кўрсатиш ва бундай кўмакни кўрсатишга ҳаракат қилганликда айбланмоқда.

Колорадо судида ушбу масала бўйича илк эшитув бўлиб ўтди. Судья олдида чиқиш қилган Жамшид Мухторов таржимон орқали “Мен айбдор эмасман”, дея баёнот берган. “Мени террорчи сифатида ҳибсга олишди. Лекин Аплоҳга қасам ичиб айтаманки, ҳеч нарса қилганим йўқ”, деган сўзларини келтиради

«The Chicago Tribune» газетаси.

Газетанинг қайд этишича, судья Катлин Тафоя томонидан биринчи эшитув чоғида унга нисбатан айбловнинг мазмун-моҳиятини етказиш кўзда тутилган бўлса-да, Мухторов бирмунча босиқлик билан ўз шикоятларини етказишга ҳаракат қилди.

Мухторов ўзининг айбсиз эканлигини айтиш билан бир қаторда, ҳибсга олинганидан бери турмуш ўртоғи билан гаплашиш, адвокати билан кўришиш имкони берилмаганидан шикоят қилишга ҳам улгурди. У эҳтиёт чораси сифатида умумий қамоқхонага ўтказишларини сўраган. “Мени террорчи сифатида

ушлаб туришларини хоҳламайман”, деди у, жумладан.

Судья Тафоя фақатгина бир марта мулоим оҳангда Мухторовнинг гапини бўлиб, ишда унга қарши ишлатилиши мумкин бўлган сўзларни гапирмасликка чақирган ва Федерал давлат адвокатлар идорасига вақтинча Жамшид Мухторовни ҳимоячи билан таъминлашга кўрсатма берган.

Мухторов масаласи бўйича навбатдаги суд эшитuvi кейинги сешанба кунига белгиланган. Ўша кунга унга нисбатан эълон қилинган айблов ҳақида батафсил танишиш мумкин бўлади.

## ЎЗБЕКИСТОНДА ҲАРБИЙ БАЗА ҚУРИЛМАЙДИ

(Давоми. Боши 2-бетда.)



алоқаларимизни ҳам ўзаро манфаатларимизга мос даражада бўлишига эришишдан иборат. Шу ҳақда сўз юритиб, Ж.Крол бу йил дипломатик муносабатлар ўрнатилганлигига 20 йил тўлишини эслатиб, ушбу сана муносабати билан қатор тадбирлар кўзда тутилганлигини таъкидлади.

“Юртингиз ва минтақа хавфсизлигига бевосита алоқадор муаммолардан бири Афғонистон масаласидир, - деди АҚШ элчиси. - Ушбу мамлакатдан қуролли кучларимизнинг олиб чиқиш кетилишининг оқибатлари хусусида Ўзбекистон ҳукумати, жамоатчилик вакиллари билан мулоқотда бўлиб турибмиз. Чунки Афғонистондаги воқеалар мамлакатингизга бевосита таъсир этиши маълум”. АҚШ ҳарбийлари ушбу юртдан чиқиш кетгандан кейин бу ерда тинчликни сақлаб туриш имкони бўладими, деган савол аксариятни қизиқтираётганлигини уқиртиб, Жорж Крол ҳозир бу саволга жавоб бериш мушкуллигини таъкидлади. У Қўшма Штатлари ва иттифоқчилар қўшинлари Афғонистонни тўла тарқ этмас керак, деган фикрда эканлигини билдирди.

Журналистлардан бирининг Тожикистонда барпо этилаётган Роғун ГЭСига АҚШ муносабати

ҳақида берган саволга жаноб Крол “биз Жаҳон банки экспертларининг хулосасини кутаямиз”, деб жавоб қайтарди.

Ўзбекистон ҳақидаги таассуротлари хусусида сўралганда, элчи жаноблари юртимизга келганлигига энди 6 ой тўлганлиги ва шу қисқа давр ичида бир қатор вилоятларда бўлганлигини, мамлакатимиз тарихи ва маданияти билан имкон қадар танишганлигини таъкидлади. “Айниқса, бу ерда оддий одамлар билан суҳбатлашиш, метрода, автобусда юргананда улар сўзларини эштитиш, менга завқ бағишлайди. Бу ўзбек тилини тезроқ ўзлаштириб олишимга яхши ёрдам беради” – деди Жорж Крол. Сўзининг охирида “очиқ кўнгилли одамларингиз билан мулоқотда бўлиш кўнглимга малҳамдек таъсир этади”, деб қўшиб қўйди.

Тошпўлат РАҲМАТУЛЛАЕВ

## СЕВИШГАНЛАР КУНИ ЎРНИГА БОБУРХОНЛИК



Ўзбекистонда “оммавий маданият”, чунончи, ёшларнинг Фарбдан кириб келаётган турли миллий маънавиятга ёт бўлган ғояларга қарши курашиш бўйича амалий чоралар кўрилмоқда. Буни Фарб жамиятида кенг нишонланадиган 14 февраль – авлиё Валентин, яъни севишганлар кунига бағишлаб ўтказиладиган концерт тадбирларининг кейинроққа кўчирилгани ҳам тасдиқлайди.

Хусусан, ўзбекистонлик ёшларнинг сеvimли хонандаси Райҳон ўз концерт дастурини тайёргарлик тадбирлари туфайли бошқа кунларга кечиктирган. Бу ҳақда кўшиқчининг расмий сайти ахборот берди. Шу ўринда алоҳида қайд этиш керакки, Райҳон сўнгги бир неча йил давомида фақат 14 февраль арафасида – бевосита шу кун муносабати билан концерт берарди.

Ижтимоий тармоқларда ушбу масалада баҳс-мунозара қилаётганларнинг аксарияти бундай чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашларини айтишмоқда. Уларнинг фикрича, ёшлар бу байрамнинг келиб чиқиш сабабларини билмасдан, кўр-кўрона нишонлашади.

Эътиборли жиҳати, айнан шу кунга ўзбек мумтоз адабиёти дарғаларидан бўлган Заҳриддин Муҳаммад Бобур таваллуди айёми кенг нишонланади. Аксарият ёшларнинг фикрича, мамлакатда севишганлар кунидан кўра, оммавий бобурхонликларни ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

Сизнинг бу борада фикрингиз қандай?

## ЎЗБЕК ОШПАЗЛАРИ РЕКОРД ЎРНАТМОҚЧИ

Ўзбекистон ошпазлар уюшмаси катта дошқозонларда гуруч дамлаб, Гиннеснинг рекордлар китобидан жой олмоқчи. Моҳир ошпазлар мамлакатнинг барча ҳудудларидан йиғилиб, миллий ош дамлашни мўлжаллашмоқда.

Ҳозирча ушбу тадбирни амалга ошириш учун ошпазларга 1,5 тонна гуруч, 1200 килограмм гўшт, шунча миқдорда сабзи, 300 килограмм пиёз ҳамда 300 литр ёғ керак бўлади. Бунча миқдордаги ошни 12 катта дошқозонда пишириш кўзда тутилаётир.

Маълумки, ҳар бир вилоят ўзига хос ош дамлаш услубига эга. Гарчи ош масаллиқлари ўзгармасда, тайёрланиши ва сузилишига қараб, улар бир-бирдан тубдан фарқланади.

— Биз барчамиз Карим Маҳмудовнинг “Па-



ловнинг 100 тури” деган китобини яхши биламиз, — дейди Ўзбекистон ошпазлар ассоциацияси матбуот котиби Флора Фахрутдинова “Мир” телерадиокомпаниясига берган интервьюсида. — Албатта, бизда 100 та дошқозонда ош дамлаш иложи йўқ. Лекин вилоятлардан келган ошпазларимиз тахминан 12 дошқозонда ош дамлашини ўйлаб турибмиз.

Жаҳон рекордини ошпазларимиз шу йил баҳорда, яъни Наврўз байрами арафасида уюштиришлари эҳтимолдан йироқ эмас.

Бу хабар, айниқса, сайёҳлик компанияларида катта қизиқиш уйғотди. Чунки ўзбекистонлик ошпазлар нафақат жаҳон рекордини ўрнатишни ният қилишган, балки уни ҳақиқий “ош шоу”сига, ўзбек палови фестивалига айлантиришни ваъда қилишмоқда. Бу, табиийки, хорижлик сайёҳлар учун айна муддао бўлиши мумкин.

## ФАРҒОНА ШАҲРИНИ ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН 1,3 ТРИЛЛИОН СЎМ САРФЛАНАДИ

Президент томонидан 2011 йил 15 ноябрда «Фарғона шаҳрининг бош режасини амалга ошириш, 2012-2015 йилларда ижтимоий ва транспорт-коммунал инфратузилмаси объектларини қуриш ва реконструкция қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори қабул қилинди. Қарорга асосан, Фарғона шаҳрининг йўл-транспорт тизимини такомиллаштириш, шаҳарнинг архитектуравий кўриниши, ижтимоий ва бозор инфратузилмасини янгилаш, инженерлик ва коммунал инфратузилмасини реконструкция ва модернизация қилиш, экологик зарарли бўлган ва аҳоли саломатлигига салбий таъсир кўрсатувчи саноат корхоналарини шаҳар ҳудудидан кўчириш, 2012 йилда шаҳарда объектлар қурилиши, реконструкция ва мукамал таъмирлаш ишларини амалга оширишнинг манзилий рўйхати тасдиқланди.

Мазкур ишларни бажариш мақсадида 2012-2015 йилларда жами 1,1 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ўзлаштириш белгиланган.

Шаҳарда 60 дан зиёд кўп қаватли бинолар, «Санъат саройи», амфитеатр, «Ёшлар Маркази», «Бизнес Марказ», янги «Камалак» болалар ўқув Маркази, 20 дан зиёд кўчаларни тўлиқ реконструкция қилиш каби бунёдкорлик ишлари кўзда тутилмоқда. Ижтимоий тармоқларни ривожлантириш бўйича бир қатор мактаб, коллеж, лицейлар капитал таъмирланади, янги болалар боғчалари қурилади.

Халқаро футбол федерацияси – ФИФА талабларига мос тарзда янги кўринишдаги 20 минг ўринга мўлжалланган ва халқаро мусобақалар ўтказиш даражасидаги янги ўйингоҳ вужудга келади. Унинг негизда болалар футбол академияси ташкил этилади. Автокемпинг, ҳордиқ чиқариш ва дам олиш ҳудуди, савдо мажмуалари стадион атрофида жой-



«Ёрмозор» шохбекаати

лашади. Телетрансляциялар ташкил қилиш учун қулай шароит яратилади.

Дастурда болалар спортини ривожлантиришга ҳам катта эътибор берилган. Жумладан, ёпиқ сузиш бассейни, спорт мажмуалари қурилади.

Бир қарашда кўзга кўринмайдиган, аммо ҳар биримизнинг турмушимиздан ўрин олган бошқа масалалар ҳар борки, у ҳам бўлса муҳандислик коммуникация тармоқлари саналади. Хусусан, тоза ичимлик суви, канализация, табиий газ, алоқа, электр ва ирригация тармоқларини замонавий ва тежамкор технологиялар қўллаш орқали модерни-

зация қилишга эришилади.

Шаҳримизда тарихий бурилиш даври — дунёнинг мана-ман деган шаҳарлари билан беллаша оладиган обод, замонавий ва мафтункор Фарғонани бунёд этишдек хайрли ҳамда эзгу иш бошланди.

Айтиш жоизки, фарғоналиклар улкан қурилиш — ўз шаҳрини бундан-да обод ва кўркем қилиш арафасида турибдилар. Бу иш, албатта, бир тану бир жон бўлиб меҳнат қилишга ундайди ва шундай бўлади ҳам!

Шоҳидбек АСЛОНОВ

Отам менга: «Ватанни севиш керак» деди. Сўрадим: «Ватан қандай севилади?» Шунда ердан бир сиқим тупроқни олиб, дедилар: «Мана шу эски тупроқни севгандай...»

Ўшанда бунинг маъносини англамадим. Аммо отамнинг гапида маънолар залвори борлигини билганим учун тупроққа ҳурмат пайдо бўлди. У менга сирли нарсдек туюларди. Улғайганим сари отам ҳовучини тўлдирган ўша тупроқ қадрини англаб бордим...

Дунё — эски тупроқ қадар кўҳна. Аллоҳ таоло Одамни (алайҳиссалом) яратмоқ учун оламни бунёд этди. Танини тупроқдан ясади. Тупроқ инсонга яшаш маскани, еб-ичиш манбаи бўлди, уст-бош кийдирди. Инсон киндик қони тўкилган ерга ўзгача меҳр қўяди. Илк кўрганларини кўнглига муҳрлайди, Ватан деган муҳаббат томирида оқа бошлайди. Отам ҳовучидаги ўша тупроқни қумсайдиган туйғу аслида Ватан ишқи...

«Эски тупроқ...» Бу сўзни айтarkan, ичимдан ҳасрат аралаш соғинч ҳам сизиб чиқади. Чунки унда йўқотишлар қайғуси, ўтмиш хаёллари, ширин ва қадрли хотиралар бор. Юрагимдаги севги бир бутун — яхлит олам ана шу хотираларга маҳкум. Отам, онам, болам севгисига туташ Ватаним муҳаббати ҳам улкан... Уларни бўлаклаб бўлмайди, бир-бирига бақамти. Отамдан қолган иморатни, далаларни соғинаман. Онам экадиган гулу-райхонларни қўмсайман. Болалигим ўтган тупроқкўчалар, кўм-кўк осмон остидаги кичиккина «катта» қишлоғим, кекса тут дарахти соясидаги доим сув сепилган супа, кечалари симёғочда

осилган чироқдан хира нур тушадиган деворга суйниб радиокарнай тагида эртақ эшитганим, қурбақалар қандай ухлашини билолмай пойлаганларим, катта ариқ бўйида ниначи-ю капалакка кўшиқ айтиб берганим, қуёш, ой билан узоқ суҳбат қурганим, энг катта юлдуз билан ўртоқ тутинганим ва отам айтган

Ватанни севмоқ муқаддас бурч дейилади. Аслида бу туйғу бурчлигидан олдин қалбдаги айрилмас севги... Ҳар ким ўз тупроғини соғинади. Ҳар ким ўз тупроғига қўшилишни истайди. Мен ҳам ҳовучимга тупроқ тўлдирарман... Бу кимларнингдир хоки, ахир, неча минг йиллик дунёда қанча инсон

қилганларида она юртлари Макка томонга бот-бот қараб, соғиниб юрганлар.

«Ватансизлик инсонни ишонсиз, юпансиз қилиб қўяди. Ҳар ким ўз юртида хотиржам», дейди ўзга юртларда яшаб юрган бир танишим.

Доноларимизнинг: «Ўзга юртда шох бўлгунча ўз юртингда гадо бўл», деган гапи ҳикматини ватандан айри яшаганлардан сўранг. Хизмат юзасидан ёки тақдир изми билан бошқа юртларда яшаб юрганлар қуёш ҳам Ватанда бошқача порлайди, унинг кўкларини ҳеч жойга таққослаб бўлмайди, дейишади. Ёки уочқда илк қадам босибоқ, она-юрт тупроғини ўпиб, юз-кўзларига суртганлари ҳам рост. Бу юракдаги ўтли-ўртагучи севгининг, ташна қалбнинг соғинчи ифодаси.

Пешонамга битилган азиз неъмат — Ватан! Кўҳна тупроқ! Тириклигимда иморат, кейин ҳам танимга маскансан! Сенда отамнинг, онамнинг — аждодларимнинг изи бор. Насиб қилса, бағрингда болам, боламнинг боласи — авлодларим улғаяди. Шу ўринда ғурурим икки қарра юксалади — буюклар ватанида, маърифат йўлини ёритганлар масканида туғилдим. Ҳовучимдаги тупроқни отамдек кўзимга суртаман. Ватан севгиси балки юрагимда мукамалмасдир, унинг қадрини билишим учун камида отам босган йиллар изини босишим керакдир...

Зебунисо ХУСАЙН,  
«MOVAROUNNAHR» нашриёти  
Одоб-ахлоқ, аёллар ва оила ҳаёти бўлими мудири

## ЭСКИ ТУПРОҚ



эски тупроқ нега эски эканига ақлим етмагани — бари бари ортимдан менга меҳр билан боқади. Соғинчим ортиб кетганда эса уларни излаб манзилимига ошиқаман — ўша эски тупроқдан таскин топаман.


қайта тупроққа қоришди. Ўйлайман: Нега уни муқаддас биламиз? Нега шу тупроқ учун жон бериб-жон олганлар? Нега бир сиқим тупроқни деб узоқ юртлардан йўл босиб келишган, нега уни авайлаб, меҳроб ёнига қўйишган?.. Бу саволларга қалбимдан жавоб топаман — Юрак тафтини қондириш учун! Алихонтўра Соғунийнинг: «Дунёда яшаган ҳар бир кишининг энг аямлик, қизғаниб сақлайдиган беш нарсаси бордир: Жони, дини, моли, оиласи ва она-Ватани». Жон ширин, аммо шу жонни Ватанга нисор қилганлар тарихда кўп бўлган. Ватан учун моли, оиласини қурбон қилганлар ҳам бор. Динимизда Ватан тушунчаси муқаддас. Расулulloҳ (соллаллоҳу алайҳи ва саллам) Мадинага ҳижрат

## НАВОИЙ ИККИНЧИ ДУБАЙ БЎЛАДИМИ?

Маълумки, расмий Вашингтон ўтган йили Туркия ва Германияда Афғонистон муаммосини ҳал қилишга бағишланган халқаро конференцияларда Буюк Ипак йўлини тиклаш ғоясини илгари сурган эди. Шунингдек, алоҳида қайд этиш керак, мазкур ғоя нафақат Марказий Осиё мамлакатлари, балки бошқа йирик давлатлар томонидан қизгин муҳокама этилмоқда. Ҳўш, бу ғоя замирида қандай мақсадлар мужассам?

АҚШ мазкур ғоя остида Туркменистондан Покистон ва Ҳиндистонга олиб борадиган трансатмосфер газ қувурларини, шунингдек, Афғонистонни электр энергияси билан таъминлашга қаратилган бир қатор лойиҳаларни амалга ошириш орқали Афғонистонда тинчликни таъминлаш ҳамда мамлакат иқтисодий-маданий тиклашни мақсад қилмоқда.

АҚШ давлат котибининг Жанубий ва Марказий Осиё масалалари бўйича ёрдамчиси Роберт Блейкнинг қайд этишича, Ҳиллари Клинтон хоним томонидан илгари сурилган “Янги Ипак йўли” ғояси минтақа мамлакатлари ўртасида иқтисодий-маданий интеграцияни чуқурлаштиришда айни муддаодир. У минтақа мамлакатлари ўттиз йилдан ортиқ давр мобайнида ҳарбий можаролар нуқтаси бўлиб келаётган Афғонистон билан изчил ҳамкорлик қилаётганини қайд этди. Хусусан, Ўзбекистон, Туркменистон, Тожикистон



ушбу мамлакатга электр энергиясини етказиб бераётган бўлса, Қозоғистон, Ўзбекистон, Туркменистон темир йўл алоқаларини кенгайтиришда муҳим роль ўйнашмоқда.

АҚШнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Жорж Кролнинг қайд этишича, Янги Ипак йўли ғоясини амалга оширишга нафақат давлат, балки бизнес доиралари вакиллари ҳам фаол киришиши керак бўлади.

— Ўзбек муҳандислари томонидан Афғонистон ҳудудида темир йўл қурилиши Марказий Осиё тарихидаги энг муҳим воқеалардан ҳисобланади, — деди элчи жаноблари. — Бугунги кунда Кобулдан Пешоварга электр энергияси етказиб бериш линиясини ишга тушириш чоралари кўрилмоқда. Агар бу лойиҳалар рўёбга чиқарилса, Афғонистонда инфратузилма-

ни ривожлантириш имкони кенгайди.

Жорж Кролнинг айтишича, Навоий вилоятида ташкил этилган халқаро интермодаль логистика марказидаги қулайликлардан унумли фойдаланиш Ўзбекистонни Янги Ипак йўли лойиҳасининг марказига айлантиради. Айниқса, Навоий вилояти Марказий Осиёнинг Дубайга айланиши мумкин. Шунинг учун ҳам бу лойиҳаларга бизнесни кенг жалб этиш талаб этилади. Элчининг таъкидлашича, бугунги кунда АҚШ бизнесменлари учун бу борада имкон қадар кўпроқ ахборот беришга ҳаракат қилиняпти.

Маълумотларга кўра, АҚШ бизнесменлари Навоий эркин иқтисодий-индустриал ҳудудига катта қизиқиш билдиришмоқда. Бу борада Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси тегишли чора-тадбирларни кўрмоқда.

## ҲАЗИЛНИНГ ТАГИ ЗИЛ

Буюк Британия фуқароси «Twitter»даги микроблоги орқали қилган ҳазиллари туфайли АҚШга кириш ҳуқуқидан маҳрум бўлди. Негаки, унинг “Американи вайрон қил (Destroy America)” жумласи АҚШ полициясининг террорчиликка қарши кураш бўлими ходимларининг эътиборини тортди.

АҚШга таътилга отланган Британиялик Лее ванн Брайннинг ушбу ҳазили полиция агентлари томонидан бир ҳафта олдин кузатувга олинди. У ўз севгилиси билан Лос-Анжелес халқаро аэропортига қўнғач, қуролланган хавфсизлик ходимлари томонидан ҳибсга олинди. Беш соатлик сўроқдан сўнг уларнинг қўлларига кишан тақилиб, ноқонуний иммигрантлар ушлаб турилган ҳибсхонага олиб келинади. Эртасига эса Англияга қайтариб юборилади. Сайёҳларнинг айтишича, улар билан худди террорчилардек муомала қилишган.

Брайннинг қайд этишича, “Destroy America” британияликлар наздида мазза қилиб дам олиш деганидир. Аммо АҚШ хавфсизлик хизмати ходимлари буни тўғри маънода қабул қилишган.

Полиция ходимлари, шунингдек, Брайн томонидан айтилган яна бир жумла, яъни твиттерда ёзилганидек, у АҚШда машҳур актриса Мэрилин Монронинг қабрини қовламоқчи эканлигини суриштиришган. Аммо англиялик сайёҳнинг машҳур

“Гриффинлар” комедия мультсериалидан иқтибос келтиргани ҳақида далилларига ҳеч ким ишонмайди. Полиция уларнинг чемоданларини белкуррак бормикин, дея обдон текширишади.

Ҳақиқатан ҳам, бугун интернет, айниқса, facebook.com ёки twitter.com сингари ижтимоий тармоқлар заминимиздаги миллионлаб одамлар турмушининг ажралмас қисмига айланиб улгурди. Шу боис АҚШ хавфсизлик хизматлари интернетдаги айрим сўзлар, жумлаларни мунтазам кузатиб боришади. Агар бу жумлаларда, чиндан ҳам, террор ёки шунга ўхшаш жиноят аломати бўлса, тегишли чоралар кўрилади. Буни яқинда Чикагода ўзбекистонлик Жамшид Мухторовнинг айнан электрон ёзишмалари туфайли қўлга олингани ҳам тасдиқлайди.

Экспертлар, шунингдек, АҚШ шаънига турли бўлмағур гапларни айтишдан ҳам тийилишга чақиради. Уларнинг фикрича, бу уларнинг океанортига бориш имкониятларини камайтириб юборади. Машҳур рус сатиристи Михаил Задорнов унга бир неча бор АҚШга кириш учун виза берилмаганлигини ўзининг “Америкаликлар аҳмоқ” ибораси билан изоҳлайди. Лекин АҚШ томони визга рад жавобини бераётганда буни далил сифатида келтирмаган.

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

### Европа қаҳратон қиш қаҳрига йўлиқди

“Кўҳна қитъа” сўнгги йигирма йил ичидаги энг совуқ ҳаво гирдобиди қолди. Айрим Европа мамлакатларида ҳарорат Цельсий бўйича -30 даражагача тушиб кетмоқда. BBC телерадиокомпанияси хабарига қараганда, бундай кескин совиш оқибатида қитъада 110 нафардан ортиқ киши ҳалок бўлган.

### 27 ёшда 28 миллиард доллар топадимми?

Агар facebook.com акцияларининг биржага бирламчи жойлаштирилиши (IPO) муваффақиятли амалга ошса, компаниянинг капитализация қиймати 100 миллиард доллардан ошиб кетади. Euronewsнинг қайд этишича, бунда компаниянинг 27 яшар асосчиси Марк Цукерберг маблағи 28 миллиард АҚШ долларига етади.

### Сайёҳлар учун

### “Маккажўхори лабиринти”

“Ўзбектуризм” миллий компанияси Тошкент вилоятида агро-сайёҳлик объектларини яратиш бўйича лойиҳа-таклиф ишлаб чиққан. Унга кўра, сайёҳлар оқимини жалб этиш учун кўнгилочар марказдан иборат “маккажўхори лабиринтлари”ни яратиш кўзда тутилмоқда.

### Ходимларини сийлади

Австралиядаги автобусда йўловчи ташиш хизмати кўрсатадиган Grenda Corp компанияси раҳбари компанияни 400 миллион Австралия долларига сотгач, ўз ходимларига раҳмат айтишнинг яхши йўлини танлади. У узоқ йиллар давомида у билан бирга ишлаган 1800 ходимига 16 миллион долларни улашиб, ўз ташаккурини билдирди.

### Зиёдадан янги тарона

Таниқли ёш хонанда, мумтоз ва замонавий кўшиқларни маромига етказиб ижро этадиган Зиёда ўз мухлисларига янги “Не бўлди?” кўшигини тақдим қилди. Sayuod.uz сайтининг ёзишича, кўшиқ ғояси муаллифи хонанданиннг ўз бўлиб, матн Баҳодир Низомовга тегишли.

### Ўйинда ўт чиқди

Мисрнинг маҳаллий “Ал-Аҳли” ва “Ал-Масри” жамоалари ўртасидаги ўйин ҳақиқий жангга айланиб кетди. Ўйин сўнггида мухлислар стадионга ёппасига тушиб, “Ал-Аҳли” футболчиларига ҳужум қила бошлашган. Оқибатда, сўнгги маълумотларга кўра, 73 киши ҳаётдан кўз юмган.

Беш яшар жияним телевизорда кўрсатилган сериалнинг қаерда тугаганлигини бошдан-оёқ гапириб берганида, рости, ажабландим. Алифбени, карра жадвалини ўрганишдан аввал хорижий сериалларнинг таъсирига тушиб қолган, уларга қизиқиш билан қараётган ёш ўғил-қизлар билан болалигимиз орасидаги тафовутдан ҳайратландим...

Шу ўринда бу каби ҳайрат ҳар бир авлоднинг хаёлидан ўтган, ўтаётган ва ўтаверадигандек туюлди. Чунки давр силсиласидаги ўзгаришлар, тараққиёт билан ҳамоҳанг равишда инсониятнинг дунёқараши, тасаввурот олами, муомала ва муносабатлари шаклланиб боради. Ким билади, дейсиз, ёшлардаги салбий иллатлардан нолиш балки эрамыздан аввалги асрларда бошлангандир. «Табиий жараён»дек кўзга ташланадиган бу ҳолат орадан минг йиллар ўтса-да, ҳамон ўзгарган эмас. Ота-оналаримиз биздан, бизлар эса янада кичикроқлардан

бошқаси санокдан қолиб кетаверади. Юрак ютиб бир кўз олдимизга келтириб кўрайликчи, улардан қайси бирининг сиймосини, ижоди ва фаолиятининг ҳечқурса хаёлотимиздаги эскизини ярата оламиз. Қайси биридан ўрнак олиб, нуқсонларимизни бартараф этишга ҳаракат қилаймиз. Хитойликларда «Эшикнинг занжири қимирлаб тургани учун зангламайди», деган нақл бор экан. Бу сўзнинг замирида эса доимий фаолиятга ундовчи ҳикмат яширин. Шу маънода илм қилаётган, изланишдан чарчамайдиган, мутолаага мубтало бўлган ёшларимизнинг ютуқларида маънавий заҳирамизнинг жилолари аксланиб туришини таъкидлаш ўринли. Улар истиқлолдан сўнг бир неча йиллардан буён қатланиб ётган улкан илмий, тарихий ва маънавий меросимизни тадқиқ этишга киришганлар. **Навоийдан куч олган олима, профессор Суйима ҒАНИЕВА** бу хусусда қуйидагиларни гапириб берди:

— Маънавият, маърифат,

плар шоирларнинг шоирона шуур билан айтган гапи эмас, бу мумтоз адабиётни биладиган шоирларнинг дард билан айтган, армон билан айтган гаплари. Навоийдек, Бобурдек, Ибн Синодек, Фаробийдек адиб, шоир, олимларимизнинг асарларини йил давомида ўрганиб боришимиз, йил давомида тарғиб ва ташвиқ қилишимиз керак. Канададан келиб Навоийни, Англиядан келиб Аҳмад Яссавийни ўрганишяпти. Бу борада мактаб дарсликларимизда мумтоз адабиётга кўпроқ соатлар ажратилганлиги қувончли ҳодиса бўлди.

Айрим ёшларнинг 14 февралда «Валентин куни»ни нишонлашаётганлигини учратсам, ранжиб кетман. Бобуршоҳнинг муҳаббати юз мингта «Валентин»никидан устун. Шундай экан, нега биз Бобурнинг муҳаббатини унутиб, аллақандай Валентин кунини нишонлаймиз.

**Қиш эшик қоққанда**

Ёшликни беҳуда ишларга соғуриш тўғрисида гап кетганда ҳар гал И.А.Криловнинг «Ниначи ва чу-

оналар, маҳалла, аҳли нуроний кексаларнинг масъулиятини янада оширади. Чунки улар новдаю япроқларга «ИЛДИЗ»даги қувватни етказиб берувчи «ТАНА» вазифасини бажаради. Ёш авлод камоли шунга боғлиқ. Шу ўринда бир савол туғилади: шу вазифа қанчалик даражада адо этилаяпти?

**Султомурад Олим, адабиётшунос:**

— Миллий мерос ва унга муносабат масаласи сиз ўйлагандан ҳам мураккаб ва кўпқирралидир. Мирзабахром Солиев деган таржимон бўлар эдилар. Ўзбек мумтоз адабиётидаги лирик жанрлар тараққиёти ҳақидаги докторлик диссертациясида келтирилган шеърини парчаларни рус тилига ўгиришда жуда қийналибди. Эски ўзбек тилини ёши улуғ кишилар яхши билади, деб ҳисоблаб, кекса қаламкашларнинг бир нечасидан ёрдам сўрабдилар, ҳаммаларидан «тишимиз ўтмаяпти» деган жавоб олиб, ҳафсалалари пир бўлибди. Кимдир: «Сиз билан бир хонада

# ТИРРИКЛИК

## СИЗ ҚАЙСИ

орамизда узоқлашиш, сезиларли ўзгаришлар юзага келаётганлигини таъкидлаб, гоҳ койиб, гоҳ нолиб яшаб келаётимиз. Устозим Абдусалом домланинг бир ўхшатиши мулоҳазаларимни тартибга келтириб, қоғозга туширишга ундади.

— Инсоният тарихини, кечмишимизни бир бутун дарахтга рамзий қиёслаш мумкин. Яшаб ўтган ва яшаётган алломаларимиз, олиму уламолар бизларга «ИЛДИЗ» вазифасини ўтайдилар. Улар қолдирган улкан маънавий меросдан баҳра олиб, униб ўсамиз, улғаямиз. Муҳими, бизнинг комиллашувимиз ўша «Хазина»дан қанчалик баҳра олишимиз билан чамбарчас боғлиқ эканлигини унутмаслигимизда. Ўқитувчи-мураббийлар, ота-оналар, буви-бувалар вазифаси эса ундан ҳам масъулиятли, яъни ёшларимизга — «ЯПРОҚ» ва новдаларимизга илдиздаги маънавий қувватни етказиб берувчи «ТАНА» вазифасини ўташдир. Баркамол авлоднинг камол топиши эса айна шу вазифанинг тўлақонли адо этилиши билан белгиланади.

**Зангламайдиган занжир**

Бизнинг ИЛДИЗларимиз фахрлансак арзийдиган даражада бақувват! Алломаларимизни номма-ном санайдиган бўлсак, минг уринманг, бири олинса,

илмий меросимиз, кадрларимизни тиклаш масаласи давлат масаласи даражасига кўтарилди. Бу эса айна шу соҳа кишилари, айниқса, зиёлиларимиз зиммасига янада масъулиятлироқ вазифаларни юклади. Ўтмишни билиш ҳозирги кунни идрок этиш, келажакка қандай умид боғлаш кераклигини ўргатади. Хоҳ китобларда, хоҳ меъморий обидаларимизда ёки олимларимизнинг панду насиҳатларида бўлсин, биз шуни ўқамиз. Бобокалонимиз Алишер Навоийни олайлик, у киши салафларнинг ёзганларини, улар қолдирган улкан маънавий меросни ўзида мужассамлаштирган. Шу боис ҳам ниҳоят даражада адабиётда, маданиятда илмда юқори мавқеда бўлди ва ўзидан кейингиларга жуда катта таъсир кўрсатди. Шарқнинг бирон шоири йўқки, 16 хил лирик жанрда ижод қилган бўлсин. Назаримда, Навоийда айтилмаган сўз, қаламга олинмаган масала, муаммо йўқ.

Мақсуд Шайхзоданинг бир гапи бор эди: «Шеърсиз юракка мен ачинаман». Эркин Воҳидов бир жойда ёзган эдики: «Навоийдан фалонча шеърни ёд билмаган ёш бўлмаслиги керак бизда». Бу га-

моли» тўғрисидаги масали ёдимга тушади:

... Ниначи шўх ўйнаб, чалди соз,  
Сайлларда ўтди гўзал ёз,  
Гулзорлардан келай демади,  
Қиш ғамини сира емади...

Ёшлик йилларимизнинг ниначига ўхшаб ўйин-кулгиларда, турли давраларда, беҳуда саёҳатларда соврулиб кетишининг олдини олишга астойдил интилиш муҳим. Чунки, вақт ўтиб қиш эшик қоққанда, кексалик етиб келганида, бош деворга урилганида мулоҳаза юрита бошлашимиз беҳуда безовталикларни келтириб чиқаради, холос. Чунки, бу фурсатда вақт аллақачон ўз ҳукмини чиқариб қўйган бўлади.

Инсоният тарихини бир бутун дарахтга қиёслагандик. Дарҳақиқат, аждодлар қолдирган мерос биз учун илдиз вазифасини ўтайди. Шу улкан маънавий бойлиқдан баҳра олиб, униб-ўсамиз, улғаямиз. Комилликка эришимиз яширин хазинадан баҳраманд бўлишимизга вобаста эканлиги ўқитувчию, ота-

ўтириб ишлайдиган фалончидан ўтадигани йўқ бу масалада», — дебди. «Ахир у ҳали ўттизга ҳам кирмаган йигит бўлса, эски ўзбек тилини қаердан билсин?», — дебдилар таржимон. Синаш учун кўрсатган экан, байтлар мазмунини, улардаги нозик ифодалар маъносини шарт-шарт айтиб ташлайверибди...

Демак, мерос мерослигича тураверади. Уни ўргансанг, сеники бўлади. Ўша ёш йигит махсус ўрганган, луғат титган.

Миллий мерос бизга камида икки маънода керак.

Биринчиси, дунё халқларининг обрўи башарият тамаддунига қўшган ҳиссаси билан ўлчанади. Шу маънода биз ҳеч кимдан кам эмасмиз. Очиғи, бошқалар ҳар қанча ҳавас қилса ҳам арзийди. Табиий фанлар, адабиёт, санъат, маънавият, дин, давлатчилик бўйича ҳам шу қадар катта меросга эгамиз. Бу бизга фахр ва ғурур бағишлайди, бизни яна ўша дара-

жаларга кўтарилишга ундайди.

Иккинчиси, шу меросни ўқиб, ўрганиб, бугуннинг корига яратиш керак. Бугун жаҳон майдонида бўй кўрсатиб турган халқларнинг аксарияти тараққиётини миллий мероси пойдеворига қурган. Бунга алоҳида урғу бераётганимиз бекорга эмас. Мустамлака даврида миллатни ўз илдизларидан узиб қўйиш учун кўп ҳаракатлар бўлди. Ютқизган еримиз ҳам оз эмас. Энди икки-уч ҳисса куч сарфлаб, ўзликни англашимизга тўғри келаяпти.

Бу икки масала бўйича ҳам мустақиллик йилларида жуда катта бурилиш юз берди. Бироқ ҳали қилинадиган иш кўп. Айтайлик, Алишер Навоий — энг буюк шоиримиз, миллатнинг маънавий пири. Умумтаълим мактабларида унинг ҳаёти ва ижодини ўрганишга ҳам энг кўп соат ажратилган. Оммавий ахборот воситаларида бу улуғ зот ҳақида сўз юритилмаган кун кам. Санъатимизнинг бирор турини унинг ижоди таъсирисиз тасаввур эта олмаймиз. Шунга қарамай, тан олайлик: Навоий ҳақида нималар билишимиз сўралса, неча варақ ёзиб беришимиз мумкин? Ёхуд ҳаммамиз ибн Сино, Беруний, Бобур билан фахрланишимиз кераклигини биламиз, бироқ уларнинг қабри айнан қаерда экани ҳақида ҳаммамиз ҳам аниқ маълумотга эгамизми? Уларнинг асарларини ўқиган кўпми



# ШАЖЖАРАСИ ПИЛЛАПОЯДАСИЗ?

ёки ўқимаган?

Хулоса шуки, миллатнинг ўзлик даражаси қанча юқори бўлса, унинг бошқаларга кўр-кўрона эргашиши, айниқса, ёт ғояларга берилиш даражаси шунча пасаяди.

## Шоир Баҳром РЎЗИМУҲАММАД:

— Бир тузумдан иккинчисига ўтилган вақтда доимо одамларнинг дунёқарошида кескин ўзгаришлар рўй беради. Дейлик, планли иқтисодиёт даврида кишилар сокин ҳаётга кўниккан эдилар. Шу аснода романтизмга мойиллик сезилган. Масалан, биз «Ўтган кунлар», «Уч илдиш» романларини қизиқиб ўқиганмиз. «Граф Монте Кристо» бошқа дунёга очилган дарча эди. Айни замонда бунақа асарларга қизиқиш кам.

Бозор иқтисодиёти тизимида асосан икки унсур устуворлик қилади. Бу Таклиф ва Талабдир. Таклиф ўз навбатида Талабни юзага келтиради. Афсуски, то ҳануз ноширчилик соҳаси бозор иқтисодиёти усулига мувофиқ келганича йўқ. Баъзи вақтли нашрлар бундан мустасно. Астойдил, ўйлаб кўрайлик-чи, нега «Даракчи», «Ҳордиқ», «Бекажон», «7x7» каби газеталар олис қишлоқларимизгача етиб бораяпти? Бунинг сабаби шундаки, мазкур газеталар мутасаддилари одамларга нима кераклигини били-

шади.

Ноширлар ҳам халқ қизиқишларини обдон ўрганиб чиқишлари лозим. Масалан, мен Борхес, Жойс, Кафка, Камю, Кортасар асарлари ўзбекчада босилса, сотиб олишим мумкин. Лекин «Алкимёгар» севимли китобларим қаторига кирмайди. Бошқа бир ўқувчи «Алкимёгар»ни кўлдан қўймайди. Бунинг ҳеч ажабланадиган жиҳатлари йўқ. Америка, Европа мамлакатларида ўқувчи эҳтиёжлари ўрганиб чиқилмасдан туриб бирорта асар нашр этилмайди. Ривожланган мамлакатларда ноширлик системаси бозор иқтисодиёти усулига тўла мос келади. Бинобарин, китоб ўқимаётгани учун одамларни айбламаслик керак. Аксинча, ўқувчи талабига мос китоб чиқармаётгани учун нашриётлар айбдор.

Яна асосий жиҳат шундаки, китоб масаласини давлат ўз тасарруфига олмоғи лозим. Кутубхоналарга диққат-эътибор қаратилмоғи лозим. Ғарб давлатларида кутубхоналар маънавият ўчоғи мақомига чиққан. Бизда кейинги вақтларда кутубхоналарнинг ўрни деярли билинмай қолди. Хулоса шулки, ноширчилик тизими механизми ўнганмас экан, китобхонлик даражаси йил сайин пасайиб бораверади.

## Ичимдаги ҳадик

Жавобларни тингларканман, барибир саволлар залвори ортиб бораверади. Улардан бири-

га сал қайишсанг иккинчисининг ситам халтаси чок-чокидан сўкилиб кетишидан чўчийсан киши. Адабиётшунос олим Иброҳим Ғафуровни ҳам шу каби хавотир безовталиққа солганлигини ўқиб қолдим:

«Ростдан ҳозир Вергилийни ким ўқийди? Ким ўқийди ҳозир Ҳомерни? Дантени ўқийдиган биронта марди майдон борми? Уларми? Фақат уларми? Навоийни ким ўқийди ҳозир?»

Иброҳим Ғафуров «Хамса»ни учинчи мартаба мутолаа қилиб чиққанлигини ёзибди. Нега биз шошилмаяпмиз?! Ахир, ёш ўтгандан кейин надоматда қолишимизни, ўзгалар тилидан, бошидан кечирганлар иқроридан англаб турибмиз-ку. Мана эллик ёшдан ошиб, олтмишни қоралаётган яна бир аҳли илмнинг иқрори: «Шу пайтгача Навоийни ўқийверсак ҳам бизга етар экан. Бебаҳо хазинадан қуруқ қолганлигимни ана энди англаб турибман».

Масаланинг моҳияти ана шу ердамикин? Ток биз тарихий меросимизни ўқиб, ўрганиб, ўзлаштириб, ҳаётимизга татбиқ этиб борар эканмиз, узоқлашиш эмас, яқинлик ҳосил бўлар...

Уларнинг маънавий асоси, илдизи ягона нуқтада туташаяпти-ку!

Азиз НОРҚУЛОВ,  
журналист

# САЙЛОВ - 2012: КИМНИНГ

**Жорий йилда АҚШда бўлиб ўтадиган президентлик сайлови мамлакат фуқаролари учун ҳам, сиёсатчилар учун ҳам принципиал аҳамиятга эга. Чунки бу сайловларда нафақат номзодлар, балки тарафлар мамлакат учун энг муҳим масалалар юзасидан ўз позицияларини илгари суришади. Мисол учун, иммиграция масаласида демократлар бирмунча энгилроқ сиёсат юритишни ваъда қилишса, республикачилар қатъий чоралар кўриш тарафдори бўлиб келишган. Демократик партиянинг бу борадаги қарашларини Барак Обама сайловли кампанияси мисолида кўриб чиққан эдик.**

**Республикачилар партиясида президентликка номзод кўрсатиш бўйича партия тарафдорлари ичида овоз бериш жараёнлари шу кунларда қизгин паллага кирди. Биз республикачилар партиядан президентлик сайловида қатнашиш учун партия «праймериз»да қатнашган ва қатнашаётган саккиз нафар номзоднинг иммиграция масаласига муносабатини ўрганиб кўрдик.**

## Митт Ромни



Ҳозирча республикачилардан мамлакат президентлигига номзод бўлиш эҳтимоли юқори бўлган Митт Ромни Массачусетс штатида губернаторлик қилган йилларида партиядошларидан иммиграция масаласида жиддий танқидга учраган эди. Чунончи, у ноқонуний иммигрантлар ишлайдиган пудрат-компанияларни ёллаганликда, қолаверса, ноқонуний ишчиларга тиббий ёрдам кўрсатишга кўрсатма берганликда айбланади. Аммо Ромни буларнинг барчасини инкор қилиб келади. “Мен губернаторлик пайтимда ноқонуний иммигрантларга ҳайдовчилик гувоҳномасини беришга, АҚШга ўқиш учун келиб, вақтинча ўқишни тўхтатиб туришларига қарши бўлганман”, деган эди у.

У президентлик сайлови бўйича олиб бораётган кампанияси давомида АҚШ — Мексика чегарасида ноқонуний иммигрантларга қарши курашиш мақсадида девор қуриш ғоясини

қўллаб-қувватлади, “DREAM” қонун лойиҳасига қаршилик кўрсатди. У, шунингдек, АҚШга ноқонуний келганларга яшаш ҳуқуқини қонунийлаштиришга ҳам кўнмаслигини билдирди. Ромни штатлар иммиграция бўйича ўз қонунчилигини ишлаб чиқишини қўллаб-қувватлаб, АҚШ малакали ва олий маълумотларни жалб қилиш йўлидан бориши керак, деб ҳисоблайди.

## Рон Пол



Республикачиларнинг яна бир вакили — конгрессмен Рон Пол иммигрантларнинг АҚШ чегараларини ноқонуний кесиб ўтиши билан боғлиқ муаммоларни жўн йўл билан ҳал қилиш тарафдори: АҚШнинг Афғонистон ва Ироқдаги қўшинларини АҚШ — Мексика чегараси бўйлаб жойлаштириш керак. “Чегарасиз давлат давлат эмас, ўз чегараларини очиқ кўйиб, ташқарида террористларга қарши кураш олиб бориш мантиқсиздир”, дейди у, жумладан.

У АҚШ ҳукумати томонидан илгари сурилган иш берувчиларга умуммиллий маълумотлар базаси орқали ўз ходимларининг иммиграция мақомини текшириш ҳуқуқини беришга оид қонунга қаршилик кўрсатди. У ноқонуний иммиграцияга қарши курашишга бизнес жалб қилинмаслиги керак, деб ҳисоблайди. “Агар ноқонуний иммигрант мамлакатимизга келсаю черков унга ётарга жой, овқат берадиган бўлса, черковни айблай олмаймиз”, дея исботлайди ўз қарашларини Рон Пол.

## Жон Хантсман




Республикачилардан президентликка номзод бўлиш пойгасидан чиқиб

кетган Юта штатининг собиқ губернатори Жон Хантсман иммиграция масаласида анча босиқ. Унинг иммиграция бўйича энг баҳсли ғояларидан бири нолегал иммигрантларга ҳайдовчилик гувоҳномасиз ҳам Ютада автомобиль бошқариш ҳуқуқини берадиган махсус карточкаларидир.

Эътиборли жиҳати, у DREAM қонуни лойиҳасини қўллаб-қувватлайди. Ютада, айтишларича, шунга ўхшаш қонун амал қилади. Жон Хантсман нолегал иммигрантлар фарзандлари ўқиши керак, деб ҳисоблайди. “Мен болаларни уларнинг ота-оналари қилган гуноҳ учун жазоламоқчи эмасман”, деган эди у CNNга берган интервьюларидан бирини.

Жон Хантсман АҚШ — Мексика чегараси мустаҳкамланиши тарафдори бўлса-да, бунинг учун девор қуриш унга ёқмаслигини қайд этади. У 11 миллион нафардан ортиқ ноқонуний иммигрантларни оммавий чиқариб юборишнинг умуман иложи йўқ, деб ҳисоблайди. У штатлар томонидан алоҳида иммиграцияга оид қонунлар қабул қилинишига қарши бўлиб, “федерал ҳукуматга ишончни мустаҳкамлаш керак”, деган фикрни илгари сурган эди.

## Ньют Гингринч



Собиқ АҚШ парламенти кўйи палатаси спикери Ньют Гингринч АҚШ ва Мексика чегараси ўртасида девор қуриш ғоясини илгари сурмаётган камдан-кам республикачилардан бири. У мамлакатда узоқ йиллар давомида яшаётган ноқонуний иммигрантларга яшаш ҳуқуқини бериш тарафдори. Энг муҳими, у ноқонуний иммигрантларни депортация қилишга ҳам, уларга фуқароликни беришга ҳам қарши. Унинг фикрича, АҚШда камида 25 йил яшаган нолегал иммигрантлар мамлакатдан чиқариб юборилмаслиги керак.

Гингринч “DREAM” қонун лойиҳасининг айрим жиҳатларини қўллаб-қувватлади. У ноқонуний иммигрантлар фарзандлари давлат томонидан молиялаштирилладиган таълим муассасаларида билим олиши ҳамда хоҳловчи нолегал иммигрантлар армияда хизмат қилиши ва шу орқали фуқароликка интилишини мақбул йўл, деб ҳисоблайди. Унинг қайд этишича, иммиграция мамлакат иқтисодиётини

ривожлантиришнинг муҳим шартларидан биридир.

## Рик Санторум



Сенатор Рик Санторум барча ноқонуний иммигрантлар жиноятчилардир, деб ҳисоблайди. Чунки, унинг фикрича, нолегал иммигрантларнинг АҚШда ноқонуний равишда бўлишининг ўзи жиноятдир. Санторумнинг қайд этишича, Ньют Гингринчнинг кўп йиллар давомида АҚШда яшаётган ноқонуний иммигрантларни афв этиб, уларга яшаш ҳуқуқини бериш таклифи нолегал иммигрантларнинг янада кўпайишига хизмат қилади.

Санторум агар шахс тегишли ҳужжатларга эга бўлмаса, ишга қабул қилинмаслиги керак, деб таъкидлайди. “Агар биз қонунни ишга солсак, кўплаб нолегал иммигрантлар мамлакатни тарк этади”.

Рик Санторум АҚШ — Мексика чегарасида девор қуришни, чегараларда юқори технологияларни татбиқ этишни қўллаб-қувватлайди. У малакали ва олий маълумотли иммигрантлар учун виза беришни кўпайтириш тарафдори. “DREAM” қонун лойиҳасига ўз қаршилигини билдириб, солиқ тўловчилар пулини нолегаллар фарзандлари таълими учун сарфлаш нотўғридир, деб ҳисоблайди.

## Рик Перри



Техас губернатори Рик Перри бошқа республикачи номзодлардан кўра иммиграция масаласида энг кўп танқид қилинганлардан ҳисобланади. Кўпчилик унинг “DREAM” қонун лойиҳасини



# ПРЕЗИДЕНТ БЎЛИШНИ ХОҲЛАЙСИЗ?

қўллаб-қувватлаганидан норози бўлди. 2001 йилда Техас штатида шунга ўхшаш қонун қабул қилинган бўлиб, унга кўра, ноқонуний иммигрантлар фарзандлари ҳам ўқиши кафолатланади.

2011 йилда у Техасда ҳуқуқ-тартибот идораларига иммигрантлардан уларнинг ҳуқуқий мақомини сўраши мумкинлигини берувчи қонунни жорий этди. Бу штатдаги испан тилида сўзлашувчи аҳолининг жиддий норозилигига сабаб бўлди. Рик Перри АҚШ — Мексика чегарасида девор қуриш ғоясига қарши чиқиб, уни “ғирт жиннилик” деб атаган эди.

19 январь куни Перри ўз номзодини қайтариб олди.

Мишель Бахман



Республикачилардан президентликка яна бир номзод Мишель Бахман хонимнинг иммиграция масаласидаги қарашлари ўта консервативдир. У Мексика билан чегарани девор билан қуршаб олиш, барча ноқонуний иммигрантларни, шунингек, ўз иммиграция қонунларини ёзган қонун чиқарувчиларни мамлакатдан чиқариб юбориш кераклигини таъкидлаган. У “DREAM” қонун лойиҳасига ва бошқа бир қатор иммиграция ташаббусларига қарши чиққан.


Бахман хоним ҳатто Конституцияда қайд этилган АҚШда туғилган ҳар бир бола ота-онаси қандай келганлиги ёки уларнинг бу мамлакатда ноқонуний бўлиши ёки бўлмастлигидан қатъи назар АҚШ фуқароси бўлиши ҳақидаги модда-

сига ҳам қарши бўлиб, уни ўзгартириш керак, деб ҳисоблайди.

Мишель Бахман штатлар томонидан ишлаб чиқилган алоҳида иммиграцияга оид қонунларни қўллаб-қувватлаб, Оқ уй ва Конгресс федерал давлат обрўсига доғ туширганини қайд этган.

Бахман ҳам пойгада кўп туролмай, шу йил январда номзодлар рўйхатини тарк этди.

Герман Кейн



Республикачилар партиясидан президентликка номзодини қўймоқчи бўлган, ўзининг жинсий муносабатлари билан боғлиқ можаролар тўғрисида пойдан чиқиб кетган, “Ўзбекистон” сўзини тўғри талаффуз қилолмаган Герман Кейнда ҳам иммиграцияга оид бир қатор ташаббуслар бор эди.

У Мексика билан чегарада электрлаштирилган тўсиқлар барпо этиш керак, дейди интервьюларидан бирида. “Буюк Хитой девори ҳақида эшитганлар борми?”, деб сўрайди у Айовада ўз тарафдорлари билан учрашувда. “Бу девор анча баланд ва мустаҳкамга ўхшайди. Агар биз хоҳласак, худди шундай девор барпо этишимиз мумкин. Ахир ойга одам юборганмиз, девор қуриш нима бўлибди!?”

Герман Кейн мабодо президент бўлиб сайланса, АҚШ қуролли кучлари чегарани қўриқлашга жалб этилишини қайд этади. “Ҳақиқий қурол ва ҳақиқий ўқ” чегарани кесиб ўтмоқчи бўлганлар учун жиддий муаммога айланади, дейди у.

Барчага маълумки, жорий йилда АҚШда президентликка сайлов бўлиб ўтади. Шу кунларда амалдаги президент Барак Обама ҳам сайлов кампаниясига қизгин ҳозирлик кўрмоқда. Президентнинг ўтган даврда амалга оширган ишлари, 2008 йилги сайловолди кампанияси давомида берган ваъдаларини бажарганлиги жамоатчилик томонидан кенг муҳокама қилинмоқда.

уларнинг сони бугунги кунда 50,5 миллиондан ортиқ бўлиб, бу мамлакат аҳолисининг 16,3 фоизи деганидир.

Статистик маълумотларга кўра, АҚШда бугун 11,2 миллион нафардан ортиқ ноқонуний иммигрант яшаб, меҳнат қилади. Обаманинг Сенатда тўхтаб қолган “DREAM” қонун лойиҳасига кўра, 2 миллион нафардан ортиқ ёшлар фуқароликка эга бўлиши мумкин эди. Умуман, бу қонун

## ОБАМАНИНГ ТИЛИ БОШҚА, ДИЛИ БОШҚАМИ?

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, президент сайловолди кампаниясининг долзарб мавзуларидан бири ноқонуний иммиграцияга қарши курашиш ҳисобланади.

Гарчи Барак Обама ўз сайловолди дастурида депортация сиёсатини енгиллаштиришга қаратилган иммиграция ислохотини амалга оширишни ваъда қилаётган бўлса-да, у ўз президентлигининг биринчи 2,5 йиллигида 1 миллион нафардан ортиқ ноқонуний иммигрантларни мамлакатдан чиқариб юборди. Бу Жорж Бушнинг икки муддати давомида чиқариб юборилган иммигрантлар сонидан ҳам кўпдир.

Иммиграция масаласи 2012 йилги сайлов кампаниясининг энг қизгин мавзусига айланаётгани боиси ҳам мана шунда. Чунки Обаманинг тилда бошқа, амалда бошқа иммиграция сиёсати консерваторларнинг ҳам, либералларнинг ҳам жиддий танқидига сабаб бўлаётир. Шуни эслатиб ўтиш керак, 2008 йилги сайловда испан тилида сўзлашувчи сайловчиларнинг 67 фоизи Обамани ёқлаб овоз беришганди. Яна шуни қайд этиш керакки, кейинги йилларда испан тилида сўзлашувчи америкаликларнинг сони изчил кўпайиб бормоқда. Чунончи,

АҚШга ёшлигида келиб қолган ва йиллар давомида бу заминда яшаётган ўсмирлар учун айни муддаодир. Аммо бу ҳужжат қонун ижодкорлари томонидан қўллаб-қувватланмади.

Шу билан бир қаторда, Обама маъмурияти адлия ва ички ишлар органлари томонидан депортация тартибини қайта кўриб чиқишни илгари суришмоқда. Чунки шу кунгача, яъни Обама президентлиги даврида мамлакатдан чиқариб юборилган миллиондан ортиқ ноқонуний иммигрантларнинг 46 фоизи жиноят содир этганлар бўлса, 54 фоизи ҳеч қандай ҳуқуқбузарликка қўл уришмаган. Шунинг учун Обама маъмурияти унча катта аҳамиятга эга бўлмаган ҳуқуқбузарликлар содир этган иммигрантлардан бармоқ изларини олишдек турли жараёнларни қисқартириш тарафдори. Уларга кўра, бу қоида боис ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қаттиққўл муносабатда бўлиниши иммигрантлар ва полиция ўртасидаги муносабатларнинг ёмонлашувига олиб келиши мумкин.

Умуман, Барак Обама маъмурияти иммиграция масаласида аниқроқ ва тезкорроқ қарорга келмас экан, жорий йил кузда бўладиган сайловларда бирмунча қийналиб қолиши турган гап.

Amerikada o'zbek to'ylarida xizmat qilamiz:  
Video tasvirga olish va montaj  
Fotosuratga olish Tel: 202-716-3683  
photovideo@uzland.biz  
http://www.uzland.biz

UzLand Productions

Uyguz Food 1141

**KASHKAR** cafe  
ЛАГМАН • МАНТЫ • ШАШЛИК • САМСА

Free Delicacy International food 218-743-3832

**KASHKAR CAFE**  
1141 Brighton Beach Ave, (between Brighton 14th st. and Brighton 15th st.) Brooklyn NY 11235 USA.  
Phone: 1 718-743-3832  
www.kashkarcafe.com Email: info@kashkarcafe.com

# МАТБУОТДА НИМА ГАП?

## ХОРАЗМДА ТҮРТ ОЁҚЛИ ЖҰЖА

Бизнинг қишлоғимизда ҳам фаройиб ҳодисалар учраб туради. Бу галгиси жуда антика. . .

Қўшним Роҳатжон Оллабергана ҳаяжон билан ёнимга келди. - Устоз, юринг, мен сизга мўжиза кўрсатаман. Ўнта тухум бостирган эдим, орасида битта жўжа тўрт оёқли бўлиб чиқди.

Лекин бошқа жўжалардан фарқи йўқ.

Табиийки, мен ишонмадим. Кейин у жўжани кўтариб келди. Лол бўлдим. Унинг сўзлари рост эди.

**Саъдулла Матёқубов,**  
**«Даракчи» газетаси, 2012**  
**йил, 25 январь**

## ЛИМОНЛАРДАН МИЛЛИОНЛАР

Мирзачўл туманидаги Абай номли сувдан фойдаланувчилар уюшмаси ҳудудида яшаб, турли вазифаларда меҳнат қилган Кўбай ака айни пайтда ўз ҳовлисида бир сотих майдонда муқобил ёқилғи билан иситиладиган иссиқхона ташкил этиб, лимон, редиска, кўк пиёз, шивит, кашнич ва бошқа кўкатлар етиштирмоқда.

Турмуш ўртоғи Гулсара опа, кенжа фарзандлари Оғабек ва келинлари Сожидахонлар билан биргаликда лимон дарахтларини яхши парваришлаб, бурноғи йили ҳосилга киритишган.

**Келдиёр ЖҰРАҚУЛОВ,**  
**«Qishloq hayoti» газета-**  
**си, 2012 йил 10 январь**

## МУЛЬТФИЛЬМЛАР КИМЛАР УЧУН?

«Ойнаи жаҳон»да мультфильм намоиш этилмоқда. Лекин унинг томошабини — кичкинтой бошқа машғулот билан банд-у, катталар эса мультфильмни қизиқиб томоша қилишмоқда. Нега шундай? Чунки бугунги мультфильмларнинг аксарияти гўё катталар учун яратилаётгандай.

Дарҳақиқат, мультфильмлар кимлар учун яратилади? Бугун уларни кимлар томоша

қилмоқда? Ўнлаб телеканалларда намоиш этилаётган мультфильмларни кўрар эканмиз, миямизда шундай саволлар чарх ураверади.

Албатта, болалар учун-да, деймиз-у, яна ўйлаб қоламиз. Нега унда бу фильмлар болаларбоп эмас?

**Восит Аҳматхонов**  
**«Хуррият» газетаси,**  
**2012-йил, 4 январь**

## ЙИЛ ЯКУНЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Таълим, соғлиқни сақлаш ва ижтимоий муҳофаза, ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг 2011 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунлари ҳамда 2012 йилги вазифаларга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда комплекс таркибига кирувчи вазирлик ва идораларда Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2011 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривож-

лантириш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалар ижросининг таъминланиши, жумладан, соҳаларда 2011 йил учун белгиланган кўрсаткичлар, ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилиш, инновация ва инвестиция лойиҳаларининг бажарилиши, маҳаллий ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар турларини, экспортбоп маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш масалалари муҳокама қилинди.

**«Маърифат» газетаси,**  
**2012 йил, 31 январь**

Муаммони билиш ва ечиш одамлар дардини эшитишдан бошланади. Аммо электорат манфаатини ҳимоя қилишнинг синовдан ўтган воқитасидан ҳамма жойда ҳам самарали фойдаланилмапти

ЎзХДП Бухоро вилоят, туман ва шаҳар кенгашлари ҳузурда 13 та жамоатчилик қабулхонаси фаолият кўрсатади. 2011 йилда уларга 938 та ариза ва мурожаат тушди. Кишилар асосан, коммунал соҳа, ишга жойлашиш, соғлиқни сақлаш каби ижтимоий масалаларда кўмак сўрайди.

— Мурожаат қилинган масала ечими кўп жиҳатдан партия ташкилотлари, депутатлар ва мутасадди ташкилотлар ҳамжиҳатлигига боғлиқ, — дейди вилоят партия кенгаши масъул ходими Шахло Бакаева. — Шунга мувофиқ, масалаларни чуқур ўрганиб ҳал этишда қуйи бўғинлар, депутатлар, ҳуқуқшунослар кўмагига таянамиз. Бу ҳамкорлик яхши самара берапти.

— Анчадан бери иш топишда қийналиб юрган эдим, — дейди вобкентлик Шоди Ражабов. — Партиянинг туман Кенгашидаги Жамоатчилик қабулхонасига ёрдам сўраб мурожаат қилдим. Улар илтимо-

## МУАММОНИ БИЛИШ ВА ЕЧИШ

симни ерда қолдиришмади. Ўтган йили «Қалти» маҳалла фуқаролар йиғинига ишга кирдим.

«Жўйрабод» қишлоқ фуқаролар йиғинида яшовчи Тошбиби Азимова Шофиркон туман партия кенгаши Жамоатчилик қабулхонасига кредит олиш масаласида ёрдам сўраб келди. Партия вакиллари аввал мутахассисларнинг маслаҳати асосида ҳужжат тайёрлаш бўйича йўл-йўриқ кўрсатишди. Шу тариқа Тошбиби Азимова кредит олишга муваффақ бўлди. Ҳозир шу маблағ ҳисобидан тикув цехи очиб, ўз ишини ташкил этди. Бу ерда 10 киши иш билан таъминланди.

— 2011 йил туман партия кенгаши қошидаги Жамоатчилик қабулхонасига 55 та мурожаат тушди, — дейди Термиз туман партия кенгаши раиси Тўра Зоиров. — Аксарият мурожаатлар кредит олиш, ишга жойлашиш ва томорқа олиш масаласида. Биз тегишли идора ва ташкилотлар орқали уларнинг 47 тасини ижобий ҳал қилишга эришдик.

Ўтган йил давомида Сурхондарё вилоятидаги партия кенгашлари Жамоатчилик қабулхоналарига жами 974 та ариза тушди. Уларнинг 682 таси ижобий ечим топди.

**Лазиза ШЕРОВА,**  
**«Ўзбекистон овози» газетаси,**  
**2012 йил 31 январь**



## ПАРЛАМЕНТ ВЕБ-САЙТИ: ЯНГИЛИК, ИМКОНИАТ, ТАРАҚҚИЁТ

www.parliament.gov.uz - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг расмий веб-сайти ҳисобланади. Мазкур веб-сайт ўзига хос кўриниши, дизайни, маълумотлар базаси билан алоҳида ажралиб туради. Шунингдек, кенг жамоатчилик учун ўзбек, рус ва инглиз тилларида ахборотлар архиви мавжудлиги фойдаланувчилар учун қулайлик яратади.

2011 йил сентябр ойида www.parliament.gov.uzнинг янги версияси иш бошлади. Ҳозирги кунда сайтга кирувчилар сони ўртача ҳисобда кунига 500 нафарни ташкил этади. Веб-сайт «Бош саҳифа», «Конституция», «Ўзбекистон Республикаси қонунлари», «Меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар», «Қонунчилик палатаси иш режаси» каби бўлимлардан ташкил топган. Шунингдек, веб-сайтда фойдаланувчиларни қизиқтириши мумкин бўлган бошқа маълумотлар архиви ҳам ўрин олган. «Парламент тарихи», «Қонунчилик палатаси таркиби», «Тадбирлар», «Қонунчилик фаолияти», «Назорат-таҳлил фаолияти», «Халқаро фаолият», «Ахборот-таҳлилий ҳужжатлар», «Матбуот хизмати», «Он-лайн экскурсия» ва «Фоторепортаж» каби бўлимлар бунга яққол мисол бўла олади. Сайтнинг «Қонунчилик палатаси таркиби» бўлимига кирган ўқувчи Қонунчилик палатаси Кенгаши, Қонунчилик палатаси Девони, фракциялар, депутатлар гуруҳи, кўмиталар, комиссиялар ва айни пайтда депутатлар ҳақида батафсил маълумот олиш имконига эга. Табиийки, бундай имконият сайтдан фойдаланувчилар сиёсий онгини оширишга ҳам хизмат қилади.

**Дилрабо ЖУМАТОВА,**  
**«Жамият» газетаси,**  
**2012 йил 3 январь**

# ЎЗБЕК ПЕЛЕСИНИ БИЛАСИЗМИ?

Ҳамид Раҳматуллаев. Бу исми тилга олишингиз билан ўзбек футболнинг катта ёшли ишқибозлари ўтган асрнинг 60-йилларини, ўн минглаб мухлислар билан тўлиб тошган “Пахтакор” стадионини эсга олишади ва қайғу билан “Ҳа, у Ўзбек Пелеси эди” дейишади.

1960 йилда “Пахтакор” биринчи марта мамлакат чемпионати олий лигасида иштирок этишни бошлади. Дасталбки уч мавсум давомида тошкентликлар энг кучли жамоаларнинг додини беришди ва кучли олтиликка қадам чиқаришди. Мухлислар эса жамоанинг асосий футболчилари – Геннадий Красницкий, Биродар Абдураимов ва албатта Ҳамид Раҳматуллаевларнинг номларини меҳр билан тилга олишар, уларнинг ўз яқинлари деб билишар эди.

**1942 йил, 28 январь.**

Тошкентнинг эскишаҳар қисмида Турғун ота ва Санобар ая хонадонида биринчи фарзанд дунёга келди. Унинг исмини Ҳамид деб қўйишди. Ҳалоллик, меҳнатсеварликни ҳаётнинг биринчи қоидаси қилиб олган бу хонадонда ҳар бир фарзанд ўз ўрнини билар, аввало, оиласи, яқинлари учун ёрдам бериш, энг муҳими, яхши инсон бўлишга ҳаракат қилишарди.

1949 йил сентябрь ойида Ҳамид Тошкентдаги 102-мактабнинг биринчи синфига борди. Ёшлиқда унинг футболга меҳри тушишига маҳалла яқинида “Спартак” стадионининг жойлашгани ва у ерда энг моҳир футболчиларнинг ўйнагани сабаб бўлган бўлса эҳтимол. 5-синфда у ёзги таътилда дам олиш оромгоҳига боради, у ердаги футбол мусобақасида Ҳамиднинг жамоаси ғалаба қозонганидан сўнг у “Спартак” футбол мактабига ёзилади. Дастлаб ҳужумда ўйнаган қорачадан келган йигитча ўзининг меҳнатсеварлиги ва майдонни яхши кўра билиши билан кўпчиликнинг эътиборига тушди. “Спартак” болалар жамоасидаги бу истеъдодни мухлислар “Қора” деб аташарди, кейинчалик бу ном “пеле”га ўзгарди. “Пахтакор” ташкил топганидан сўнг жамоа болалар мактаби мураббийи Исоқ

Тошмуҳамедов Ҳамидни бу ерга таклиф қилди. У ва Сергей Арутюнов бошчилигидаги Ўзбекистон ўсмирлар терма жамоаси ва “Пахтакор” ёшлари таркибида мам-

га бошлай олар, мухлисларнинг қалбидан жой оладиган ўйинларни намойиш этарди.

1968 йилги мавсумда “Пахтакор” Собиқ Иттифоқ кубогининг

павловск шаҳарларида ўтказилган минтақавий турнирларда тошкентликлар барча рақибларини йирик ҳисобда доғда қолдиришади. Сергей Арутюнов бошчилигидаги жамоа шу йил ёзида Россиянинг Кострома шаҳрида, мусобақанинг финал босқичида иштирок этади. Учинчи ўрин учун баҳсда “пахтакор”чилар Ереваннинг “Спартак” жамоасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб бронза медални кўлга киритишади. Қ и з и ф и шундаки, Биродар Абдураимов, Евгений Казаков, Равил Багаутдинов каби футболчилар ўйнаган жамоада яна етакчилик Раҳматуллаевнинг чекига тушган эди.

Ҳ а м и д Р а ҳ м а т у л л а е в ўзининг қисқа умри давомида улкан ишларни қила олди. У 36 йиллик ҳаётининг 20 йилини “Пахтакор”га бағишлади.

У “Пахтакор”нинг асосий таркибида

олий лигада 185 марта майдонга тушиб 19 та гол муаллифи бўлган. Турли даражадаги мусобақалар – олий, биринчи лига, кубок учрашувлари ва халқаро турнирлардаги умумий ўйинлар сони 208 тани ва голлари сони 36 тани ташкил этади.

Раҳматуллаев катта футболни тугатгач, жонажон жамоасида мураббийлик қила бошлади. Олим Аширов, Михаил Ан, Владимир Фёдоров, Василис Хадзипанакис кабилар уни устоз деб ҳурмат қилишарди. 1976 йилда Москвадаги мураббийлар тайёрлаш олий мактабига, дўсти Баҳодир Ибрагимов билан биргаликда ўқишга кирди. Икки йил мобайнида ўқишни муваффақиятли якунлаган Раҳматуллаев республикамизнинг энг иқтидорли мураббийларидан бири сифатида гавданала бошланди. У Тошкентга қайтгач жамоа бошлиғи сифатида фаолият олиб борди.

1978 йил 12 апрель куни Ҳамид Раҳматуллаев автоҳалокатга учради. 17 апрель куни эса шифохонада оламдан кўз юмди.

Норбек НИЁЗОВ



Суратда ўзбек Пелеси Ҳамид Раҳматуллаев

лакатнинг турли шаҳарларида ўтказиладиган мусобақаларда Ҳамид мунтазам иштирок этар, ҳар гал улар қайтганидан мактабдош дўстларига сафар тасуротларини айтиб берарди. Таъкидлаш лозимки, Ҳамид Раҳматуллаев мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ “Пахтакор”нинг ўринбосарлар таркибидан жой эгаллади. Ўринбосарлар жамоаси сардори сифатида ўзини кўрсатган Раҳматуллаевни асосий таркибга жалб қилишди. Усталар орасида ҳам Ҳамид йўқолиб қолмади, аксинча, ўзининг меҳнатсеварлиги, ўз ишига бўлган муҳаббати, ажойиб истеъдоди туфайли Красницкий, Стадник, Пшеничников, Азизхўжаев, Абдураимов каби юлдузлар ўйнаётган жамоада ўз ўрнига эга бўлди.

Ҳамид Раҳматуллаев ҳужум остида ҳаракат қилар ва жамоадошларининг гол уришлари учун қулай имкониятларни яратиб берарди. У 1960-70 йилларда, 11 мавсум давомида “Пахтакор”нинг асосий таркибида тўп сурди. Бу кўрсаткич бўйича у Геннадий Красницкий ва Биродар Абдураимовлардангина ортда қолади. Сардор сифатида у жамоасини олдин-

финалига йўлланмани кўлга киритди. Москвада “Торпедо”га қарши учрашувда Раҳматуллаев бошчилигидаги тошкентликлар муносиб кураш олиб боришди ва 0:1 ҳисобида ютқазди.

Раҳматуллаев 1971 йилдан катта футболни ташлаб мураббийлик соҳасига ўтди. Аввало, “Пахтакор”нинг ёшлар таркибида ишлай бошлади. Келгуси йилдан эса жамоанинг асосий таркиб мураббийлар штабида фаолият олиб бориб, “Пахтакор”нинг биринчи лигадан олий лигага чиқишида катта ҳисса кўшди ва “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган мураббий” фахрий унвонига эга бўлди.

Таъкидлаш лозимки, Ҳамид Раҳматуллаев қайси ёш тоифасида ва қайси бир жамоада ўйнаган бўлмасин, барчасида жамоа сардорлиги унга топширилар эди. Ҳалоллик, меҳнатсеварлик, юқори истеъдод ва адолатлиги туфайли у ҳамиша мураббийлар ва жамоадошлари томонидан ана шундай қадрланар эди.

1959 йилда “Пахтакор” ёшлари Бутуниттифоқ турнирида иштирок этишади. Қозоғистоннинг Чимкент ва Петро-

# “БОБУРНОМА” ИНГЛИЗ ТИЛИДА

“Бобурнома” XVI асрдаёқ Абдурахим Хонхонон (1556-1627) томонидан форс тилига таржима этилган эди (1586). Айрим парчалар Вицен томонидан 1705 йилда голланд тилига ўғирилган. Кейинги асрлар давомида Ж. Лейден ва В. Эрскинлар немис тилига (1826), Абел Паве де Куртейл фаранг тилига (1871), Р. Р. Арат турк тилига (1943), М. Салье рус тилига (1958) таржима қилдилар. Рус олими Н. Илминский “Бобурнома”нинг 1714 йилда кўчирилган нусхасини аслиятда 1857 йилда Қозонда нашр этиришга муваффақ бўлди. Ушбу ноёб ёдгорликнинг инглизча таржималари, хусусан, Англия ва Америка Қўшма Штатларида бу борада олиб борилган ишлар диққатга ва таҳсинга сазовордир.

“Бобурнома”нинг шарқшунос олима Анета Бевериж томонидан амалга оширилган инглиз тилидаги илк таржимаси 1922 йилда Лондонда босиб чиқарилган. 1842 йилда Лондонда бизнесмен оиласида туғилган, ғарб ва Ҳиндистонда Анета Акройд номи билан машҳур бўлган Бевериж хоним (тўлиқ исми Анета Сузана Акройд) 1875 йилда британиялик таниқли шарқшунос Ҳенри Беверижга турмушга чиқади. 1900 йилда Ҳ. Бевериж Ҳиндистонда хизмат сафарига бўларкан, Ҳайдарободда Жаноб Салар Жангга тегишли бўлган “Бобурнома”нинг эски ўзбек тилидаги нусхасини қўлга киритади. Асарнинг факсимилеси 1905 йилда Лондонда чоп этилади. Ана шу факсимиледан Анета Бевериж хонимнинг узок йиллар давомида ишлаб амалга оширган таржимаси 1922 йилда Лондонда “Лузак энд Ко.” нашриётида “Бобурнома инглиз тилида: Бобур эсдаликлари” номида икки жилдлик китоб ҳолида дунё юзини кўради. 880 саҳифадан иборат китобнинг титул varaғида: “Бу таржима Бобурнинг шуҳратига бағишланади”, деган сўзларни ўқиймиз.

Анета Бевериж хоним таржимасида аслиятнинг колоритини сақлашга катта эътибор беради, матнга сабр-бардош ва ҳурмат билан ёндашади. Масалан, таржимон деярли ҳар бир саҳифада кўплаб туркий сўзларни қавс ичида ёки қавсиз бериб кетиш билан бирга, инглиз ўқувчиларига нотаниш бўлган сўз-ибора ва тушунчаларга эринмай батафсил изоҳлар илова қилади, исм ва жой номлари талаффузини сақлашга қаттиқ уринади. Кириш сўздан кейин, таржима мураккабликлари, Лейден ва Эрскинларнинг немис тилига таржимаси хусусидаги маълумотлар, нашр сўнгида эса кўшимча тушунтиришлар, жой ва исмлар кўрсаткичлари ҳавола қилинади. Буларнинг бари асарни англаб етишда ўқувчига, шубҳасиз, катта ёрдам беради.


1929 йили Лондонда вафот эт-

ган машҳур шарқшунос олима ва хинд маърифатпарвари бўлиб танилган Анета Бевериж хонимнинг илмий фаолиятида “Бобурнома” устида олиб борилган тадқиқотлар алоҳида ўрин тутди. Олима ҳаёти ва фаолияти ҳақида Буюк Британияда, хусусан, Ҳиндистонда кўплаб китоб ва мақолалар ёзилган. Ўзбек ўқувчиларига олиманинг номи адабиётимизнинг жаҳондаги тарғиботчиларидан бири сифатида ҳамиша қадрли бўлиб қолади.

Кейинги йилларда Бевериж хоним таржимаси яна уч марта нашр қилинди. Даставвал 1970 йилда Янги Деҳлида (ноширлар – Нирмал Д. Жейн билан С. К. Меҳра), иккинчиси 2002 йилда Покистонда (ношир – Ниёз Аҳмад) ва ниҳоят, учинчиси 2006 йилда яна Ҳиндистонда (ношир – Дилип Ҳейро) чоп этилди. Учинчи нашрда Бобурийлар шажараси, Марказий, Жануби-ғарбий, Жанубий Осиё ва Ғарбий Хитойларни қамраган харита, шунингдек, Қобул ва Ҳиндистон юриши хариталари жой олган. Айни пайтда, кириш сўзи берилган, “Бобурнома” қахрамонлари кўрсаткичи, ҳижрий тақвим киритилган.

Халқаро Бобур фонди томонидан чиқарилган “Бобурнома”нинг 2002 йилдаги ўзбекча нашрига ёзилган сўзбоши муаллифлари С. Ҳасан, Н. Отажонов, С. Жамоловлар шундай сўзлар келтирадилар: “Бобурнома”га, айниқса, инглиз шарқшунослари жуда қизиқиб қараб, уни қайта-қайта таржима қилганлар. Бу ҳолатни инглиз олимларининг ўзбек адабиётига бениҳоя қизиқиб қараганларининг натижаси, деб баҳолаш, албатта, содда тасаввур бўлур эди. Аксинча, бу асар инглиз мустамлакачиларининг диққат марказида турган Ҳиндистоннинг тарихи, сиёсий ҳаёти, жуғрофияси, ўсимлик ва ҳайвонот олами ҳақида маълумот берувчи қомусий асар бўлгани учун ҳам унга бу қадар катта эътибор берилган...” Бу фикрга қўшилмай илож йўқ.

Америкалик заҳматкаш олим ва таржимон Уилер Таекстон “Бобурнома” таржимаси устида узок йиллар меҳнат қилди. Кейинги йигирма йил ичида “Бобурнома” Америка Қўшма Штатларида уч марта чоп этилганлиги диққатга сазовордир. Биринчи нашр 1993 йилда юз берди: Ҳарвард университетиде йилига бир марта чиқадиган “Туркий тадқиқотлар журнали”нинг 904 саҳифадан иборат 18-сониде “Заҳириддин Муҳаммад Бобур Мирзо: Бобурнома” номи остида асарнинг эски ўзбек тилидаги матни, форсча таржимаси ва инглизчаси, яъни У. Таекстоннинг таржимаси, барчаси биргалиқда босиб чиқарилди. 1996 йилдаги иккинчи нашри 472 саҳифадан иборат, сурат-



лар билан безатилган китоб бўлиб “Бобурнома: шаҳзода ва император Бобурнинг эсдаликлари”, деб номланган. Мазкур нашр Вашингтон (К. О.) шаҳрида Артур М. Саклер Галереяси Смисониян институти томонидан чоп этилган. Турли хариталар ва миниатюралар билан бойитилган бу нашрга Галерея директори Мило Кивленд Бийч кириш сўзи ёзган. Китобда Самарқанд ва Ҳиротда ҳукм сурган теурий шаҳзодаларнинг номлари, туғилган ва вафот саналари ҳам берилган. Таржимон У. Таекстон бу нашрдаги ўз мақоласида “Бобурнома” матни ва таржималари тарихи, асарни Европада қачон ўрганиш бошланганлиги, тузилиши, жуғрофияси, чингизий ва теурийлар даврининг Эрон ва Марказий Осиё тарихидаги аҳамияти, исм ва манбалар номлари ҳақида сўз юритгач, Бобур шахси ва сулоласига нисбатан адолатсиз номланишларни эсларкан, қизиқ кузатишларини баён қилади: “Тарих Бобурни нафақат Марказий Осиёликдек (туркистонликдек – Д. А.) ўзлигидан айирди... - деб ёзади у. (Балки, ) Бобур ва унинг авлодларига, Бобурни ранжитиши аниқ бўлган муғаллар” – яъни мўғул, монгол номини бериш билан унинг теурий бўлишдек ўзлигини ҳам ўғирлади...” “...Европаликлар Бобур хонадони ва мўғуллар орасида қандайдир боғлиқлик борлигини билганлари ҳолда, - давом эттиради ўз мулоҳазаларини олим, - бироқ бу боғлиқлик қандайлигининг аниқ тағига етмай туриб, сулолага номувофиқ мўғул (моғол, моғул, мағол ва ҳ. к.) номли вариантларни бериб, бу сўзни “улуғлик” сўзига муқобил сифатида ишлатганлар”.

Олимнинг бу фикри мустақил Ўзбекистондаги бу сулолани буюк мўғуллар деб эмас, бобурийлар деб аташ лозим, деган янгича

## ВАЛИЙ УЧУН МАХСУС ФАТВО

Имоми Аъзам раҳматуллоҳи алайҳнинг хузурларига бир аёл келиб масала сўради:

— Мен чироқнинг равшанида чарх йиғириб ип қилардим. Бир куни чироқ ёғи тугаб, уйим қоронғи бўлиб қолди. Бирдан халифанинг лашкарлари кўчадан машъала билан ўтиб қолдилар. Унинг ёруғлигида озроқ ип йиғириб олдим. У ип ҳам бошқа ипларга қўшилиб кетди. Бу энди менга ҳалолми? Унинг машъаласини ёритган мой золимлик билан олинганми, мен билмайман. Шунга фатво сўраб келдим.

Имоми Аъзам йиғлаб, савол бердилар:

— Эй синглим, сен қайси хонадон фарзандисанки, бу хилдаги тақвони талаб қилаясан?

— Мен Бишри Хофийнинг опасиман. У халифанинг зиндониде ётибди. Унга овқат олиб бораман.

— Йўқ, у ҳолда сенга бу ҳалол эмас. Асло бу ипдан тушган пулни уканга олиб борма. Чунки у валиюллоҳ, халқуми тоза одамдир.

## ҲОЗИРЖАВОБ БОЛАКАЙ

Домла Ҳиндистоний ҳикоя қиладилар:

«Қабристоннинг ёнида бойнинг боласи билан камбағалнинг боласи тупроқ ўйнаб ўтиришган экан. Иккаласининг ҳам отаси ўлиб, шу ерга дафн этилган экан. Бойнинг боласи дебди:

— Отангнинг қабрини қара, 1-2 та тошдан бошқа нарсаси йўқ. Менинг отамни қабрини қарагин. Устига мрамрлар қўйилган.

Камбағалнинг боласи жавоб берибди:

— Сенинг отанг бу мустаҳкам жойлардан тургунча, менинг отам жаннатга кириб бўлади.»

**Ҳожи Домла Ҳиндистоний раҳматуллоҳи алайҳ маърузалари асосида АбдулАзиз тайёрлади.**

қарашларга мутлақо тўғри келади.

2002 йилда Нью-Йоркдаги “Зе Модерн Лайбрери” нашриёти “Бобурнома”нинг юқорида айтиб ўтилган 1996 йилдаги Уилер Таекстон таржимасини қайтадан босиб чиқарди. Бу шоҳ асарнинг учинчи нашри бўлди.

Адабиётимизнинг мумтоз намуналаридан бўлган, жаҳон адабиётида ўхшаши йўқ нодир “Бобурнома”мизнинг жаҳон бўйлаб ташлаётган дадил қадамлари давом этмоқда. Шундай асарни яратиб, ўзбек маданиятини жаҳонга кўз-кўз қилаётган, юртимиз шаънига шаън қўшаётган буюк бобомиздан миннатдор биз - авлодлар, ул зотнинг азиз ва пок руҳлари ҳамиша шод бўлсин, деймиз.

**Дилбар АҲМЕДОВА**

ЎЗБЕК ҚИЗЛАРИГА

Қалбларида йўқ иймондан нишонаси,  
Рўмол ечиб ялтираган пешонаси  
Ой юзини кормай қойган жойнамози  
Атлас кўйлак киймай қўйган ўзбек қизлар!

\*\*\*

Юрибдилар, ана қаранг бўйларига,  
Уялмай тик қараб турган кўзларига.  
Нима қилса қилди бугун ўзларига  
Атлас кўйлак киймай қўйган ўзбек қизлар!

\*\*\*

Паранжини отдилар воҳ оловларга,  
Виждонини нақд пуллади шайтонларга,  
Ҳуқуқингиз тенг бўлдими эркакларга,  
Атлас кўйлак киймай қўйган ўзбек қизлар!

\*\*\*

Гўзал эди ой юзингиз ҳаё билан,  
Қадрингиз ҳам баланд эди ибод билан,  
Чундай бахтни алиштингиз риё билан,  
Атлас кўйлак киймай қўйган ўзбек қизлар!

\*\*\*

Бухорийга алла айтган ул оналар,  
Тор кийимлар безар бўлмиш қоматингиз,  
Европанинг модасига кетсин ўтлар!  
Атлас кўйлак киймай қўйган ўзбек қизлар!

\*\*\*

Тавба қилиб қолинг энди, кеч бўлмасдан,  
Замона ҳам қиёматга юз тутмасдан,  
Аллоҳимнинг сўзига исён этмасдан,  
Рўмолларга қайтинг энди, ўзбек қизлар!  
Ҳижобларга қайтинг энди, ўзбек қизлар!

Жасмина КАРИМОВА



“ЛОНДОН” СКАНВОРДИ

|                |                             |                            |                            |         |                                      |                                  |                             |                              |
|----------------|-----------------------------|----------------------------|----------------------------|---------|--------------------------------------|----------------------------------|-----------------------------|------------------------------|
| Ўқишга кирувчи | Олма тури                   |                            | Зарар...<br>Кема;<br>фильм |         | Бокс май-<br>дони                    | Фёдор<br>(қиска)                 |                             | Қани?<br>Қизлар<br>касби     |
|                |                             |                            |                            |         |                                      |                                  |                             |                              |
|                | Тест<br>журнали             |                            |                            |         |                                      | Али ...<br>(футбол-<br>чи, Эрон) |                             |                              |
|                | Кичик                       |                            |                            |         |                                      |                                  |                             | Камо-<br>лотга<br>эришган    |
|                | Англия                      |                            |                            |         |                                      | ... Али<br>ибн<br>Сино           | Кўрса-<br>тиш<br>олмоши     |                              |
|                | Темир<br>куруми             |                            |                            |         |                                      |                                  |                             |                              |
|                | Тоғ<br>(Жанубий<br>Америка) |                            |                            |         | Фази-<br>лат                         |                                  | Катта                       |                              |
|                | Бильярд<br>таёғи            |                            |                            |         | Қишлоқ<br>хўжалиги<br>меха-<br>низми |                                  |                             |                              |
|                | ...<br>тўқмоқ               | Италия<br>футбол<br>клуби  |                            | Айёр    |                                      |                                  |                             |                              |
|                |                             |                            |                            | Америка |                                      |                                  |                             |                              |
|                |                             |                            | Юза<br>ўлчови              |         |                                      | Темир<br>тароғи<br>бор           |                             |                              |
|                |                             |                            | Зиё                        |         |                                      |                                  |                             |                              |
|                |                             |                            | Флорида                    |         |                                      |                                  |                             |                              |
|                |                             |                            | Юклама                     |         |                                      |                                  |                             |                              |
|                | Пардоз                      |                            |                            |         |                                      | Ёзувчи<br>...<br>Твен            |                             |                              |
|                | Аниқ                        |                            |                            |         |                                      |                                  |                             |                              |
|                |                             |                            |                            |         |                                      |                                  | Хўл<br>мева                 | Бирни<br>кессанг<br>...ни эк |
|                |                             | Қишлоқ<br>(Тур-<br>кистон) |                            |         |                                      |                                  | Марҳум<br>“Пахта-<br>корчи” | Қавм<br>(қадим)              |
|                | Қонун                       |                            |                            |         |                                      | Бугдой                           |                             |                              |

www.ziyouz.com

Бир киши Ҳазрат Ҳақимул Уммат (Мавлоно Ашраф Али Таҳановий) га мактуб ёзиб, (аёлларга) назар ташлаш дардига гирифтор бўлганидан шикоят қилибди.

Ҳақимул Уммат шундай жавоб берибди:

«Бу назорат қилиб бўлмайдиган оғир ишми? Назар ташлаш бу ихтиёрий иш (яъни, киши ўз хоҳиши билан қилади. Ҳеч ким мажбурланмайди). Шу боис, қийин бўлса ҳам ундан сақланиш ва назорат қилиш кишининг ўз қобилияти ва иродаси доирсидадир. Нима бўлганда

ҳам, одамлар бирор машаққат остида бўлишни рад этишади. Лекин жаҳаннамнинг жазоси қаттиқ ва энг қийинидир. Мен ёмон назар ташлаш дардига гирифтор бўлган ўша одамдан сўрадим:

«Агар аёлнинг эри сени кузатаётган бўлса, ҳануз

НОМАҲРАМГА НАЗАР ТАШЛАШ ҲАҚИДА

ўша аёлга назар ташлайсанми?»  
У, «Йўқ», деди. Мен унга айтдим:  
«Аллоҳнинг қалбингдаги улуглигини ўша эрга нисбатан қалбингда бўлган улугликка ҳатто қиёслаб

ҳам бўлмайди. Аллоҳ таоло ҳар ерда ҳозир но-зирдир. У бизнинг ҳолатимизни ҳар доим кузатиб туради. У ҳар доим бизнинг разил ишларимиздан огоҳдир. Аммо ҳануз бу йўлдан қайтмаймиз. Биз ҳар лаҳза Аллоҳнинг кузатуви остида эканимизни ҳис қилмаймиз. Агар мана шу ҳис ривожлантирилса, бу борада гуноҳ қилишга бизда жасорат қолмайди.»

Мавлоно Ашраф Али Таҳановий,  
«Малфунот»

## "Ватандош" газетаси ушбу саҳифада эълонларингизни бепул чоп этади.

Телефон: 646-397-0325

E-mail: info@vatandosh.com

Web: www.vatandosh.com/classifieds

### FOR SALE

Навоий шаҳрида прибалтика усулида қурилган коттеж сотилади. 5 хонадан иборат, гараж ва ертўла мавжуд. Барча қулайликлар бор, жорий ремонт қилинган. Нархи \$90,000 (тўқсон минг).

Алоқа учун (Алиёр Турдиев): +998974594925

Фарғона шаҳри, Фрунзе массиви Ифтихор кўчасида (Тиббиёт коллежи ёнида) катта ҳовли боғи билан сотилмоқда. Нархи \$120,000.

Алоқа учун: +998 732767002

### МАШИНА СОТАМАН:

CHRYSLER SEBRING CONVERTIBLE JXI LIMITED

2000 йилда ишлаб чиқарилган. 140 000 мил юрган. Нархи: \$2500

Алоқа учун: mdh.07@mail.ru

N900 телефон сотаман, нархи: \$250. Ҳолати яхши.

Алоқа учун: asadbek.87@list.ru

### WANTED

Used/Refurbished iPad 2 Wi-Fi + 3G 64GB (Verizon) needed.

Please, send me the shipping options too.

Contact e-mail: utkirbek@gmail.com

Nokia E72 телефон оламан. Оригинал бўлсин. Ишлатилган бўлса ҳам майли.

Алоқа учун: +998934848066

### КЕЛИН КЕРАК

АҚШга ўқиш учун келган, асли самарқандлик бўлган, ёш, келишган, топиш-тутиши жойида бўлган дўстимга яхши бир оиладан қиз керак.

Қизнинг насаби, бой-бисоти, хуснда пари бўлиши шарт эмас. Истаради, энг кераклиси, эрим-жойим дейдиган қиз бўлса бўлди.

Алоқа учун: mazlum@mail.ru

### FOR RENT

Бруклинда Ave. P ва McDonald's Ave.да, икки хонали апартаментда битта хона ёки битта ўрин ижарага берилади. Битта хона \$550 ёки хонада жой \$350. F метро линияси яқинида жойлашган. Кваттира жуда тоза, кенг ва чиройли, Кухняси жуда катта ва 6 та стул 1 катта стол ҳам бор. Биллар ўртада бўлинади.

Алоқа учун: 631-612-8520

### JOBS

Телеком Компания набирает сотрудников. Работа на чек (форма 1099)

Приглашаем ответственных людей. Тренинг бесплатно.

Для записи на интервью звоните по тел: (347)445-5219

Well educated, experienced and well-skilled Uzbek lady is in search of a job, connected with journalism, translations from Uzbek, Russian and Hindi languages. Can type on all four languages. Able to do editorial and proof-reading work too.

Phone: 347-320-8213

### SERVICES

#### ТЕЗ ВА ҚУЛАЙ КОМПЮТЕР ТУЗАТИШ


- Операцион системани созлаш
- Вирусларни ўчириш
- Виндовсни Оптимизация қилиш
- Ўчиб кетган файлларни тиклаш
- Компютерга ота-она назоратини ўрнатиш.

Алоқа учун: 3474454648

#### AUTO LEASING

We will save you time and a significant amount of money on a new / pre-owned car or truck. Our customers receive exclusive discounts on any vehicle purchase, finance or lease. We offer All Makes and All Models!

Contact phone: 3477015005



## BRIGHT IDEA REALTY RENTALS

www.brightidearealty.com

ASHRAF ZAKIROV

Liscenced Real Estate Agent

8622 Bay Parkway  
Suite 2C  
Brooklyn, NY 11214

Mob: (646) 520.9774

Fax: (347) 275.1210

email: azakirov@brightidearealty.com

### Professional & Affordable Computer Repair & Services



- Operating System Install / Repair
- Virus and Spyware removal
- Windows system Optimization
- Recovering deleted documents
- PC Hardware Replacement
- Parental Controls

Antivirus  
Program  
For Free

+ Diagnosing & Optimizing  
at NO COST

We go directly to your home or office

### Тез ва Қулай Компютер Тузатиш



- Операцион системани созлаш
- Вирусларни ўчириш
- Виндовсни Оптимизация қилиш
- Ўчиб кетган файлларни тиклаш
- Компютерга ота-она назоратини ўрнатиш

Текин  
Антивирус  
Програм-  
маси

Ўйингиз ёки ишхонангиздаги компютерни созлаш



#### "Individual Computer Learning Courses"

Microsoft Office • Movie maker • Installing Programs  
Adobe Photoshop • Adobe Illustrator • Web Designing

Call for appointment  
T: (347) 445-4648  
Shohruh

2705 Coney Island Ave  
Brooklyn, NY 11235  
nyComRe@gmail.com



## Ҳурматли ватандошлар!

Сизга маълумки, АҚШда солиқлар масаласи жуда ҳам муҳим ва ҳар бир фуқаро даромад солиғини ўз вақтида қонунларга мувофиқ равишда тўлаши шарт.

Ватандошларимизга солиқларни тайёрлашда ёрдам бериш мақсадида Вашингтонда АҚШ қонунларига кўра даромад солиғи бўйича ўзбекистонлик мутахассислар (IRS) ишни бошлади.

Сизни қизиқтирган барча саволларга қуйидаги рақамлар орқали мурожаат қилишингиз мумкин.

Зокир Алиев.

MBA.EA - 703 459 82 34

E-mail: zakiraliyev@yahoo.com

АҚШ Солиқлар Бош Бошқармасининг имтиёзли лицензиясига эга солиқ мутахассиси.

Фазилат Мамурова

MPA -703 786 72 01

E-mail: fazilat84@yahoo.com

Молиявий хизматлар

## “Ассалом, Наврўз” байрам тантанасига марҳамат!

Ўрта Осиё Мурувват маркази “Тамоша” театри билан ҳамкорликда Наврўз консертини ташкил қиляпти. Консертда хушовоз хонанда Юхон ва Ўзбекистонлик санъаткорлар қатнашади. Кичик театр томошалари, қизиқчилик театри ва бошқа сахна асарлари намойиш этилади.

Шошилинг! Кўрганлар дармонда, кўрмаганлар армонда!

Наврўз байрами 16 март, кеч соат 8да “National Restaurant”да (Brighton Beach 2) бўлиб ўтади.

Чипта нархи: \$60

Кўк сомса, сумалак, паловхонтўра ва бошқа миллий таомлар тортиқ қилинади.

Мурожаат учун телефон: (917) 995-5290

- АВИАПОЧТА В УЗБЕКИСТАН
- АВИАБИЛЕТЫ
- ДЕНЕЖНЫЕ ПЕРЕВОДЫ



**UZ AIRLINES**  
EXPRESS

T: 347-492-4944

2106 E 23rd St. Brooklyn, NY 11229

### SILK ROAD TREASURE TOURS

39 E. FOX CHASE ROAD, CHESTER, NJ 07930 USA

TOLL FREE: 888-745-7670 PH: 908-719-7676

Email: [info@silkroadtreasuretours.com](mailto:info@silkroadtreasuretours.com) [www.silkroadtreasuretours.com](http://www.silkroadtreasuretours.com)

## АДВОКАТ ВЛАДИСЛАВ СИРОТА

Член Американской Коллегии  
Иммиграционных Адвокатов

-ПОЛИТУБЕЖИЩЕ

(тщательная профессиональная подготовка)

-ДЕПОРТАЦИОННЫЕ СЛУШАНИЯ

-ПОМОЩЬ АРЕСТ. НА ГРАНИЦЕ И В АЭРОПОРТАХ США

-СОПРОВОЖДЕНИЕ НА ИНТЕРВЬЮ

-ПРЕДСТАВИТЕЛЬСТВО В АМЕРИКАНСКИХ

КОНСУЛЬСТВАХ ЗА ГРАНИЦЕЙ

-ЗАПОЛНЕНИЕ НА ГРИН-КАРТ И ГРАЖДАНСТВО

-РАЗВОДЫ

-ДЕЛОВЫЕ КОНТРАКТЫ

-ВИЗЫ В-2/Н1В/Ф-1/К-1

(718) 265-59-00

128 Brighton 11<sup>th</sup> Street, 2<sup>nd</sup> Fl. Brooklyn, NY 11235

# МОБИЛ ТЕЛЕФОНСИЗ БИР КУН



Интернетдаги дўстларим билан “Мобил телефонсиз бир кун” акциясини ўтказадиган бўлдик. Унга кўра, белгиланган кун бошланган соат 12 дан кун тугайдиган 12 гача уяли алоқамиз ўчиқ бўлиши, ундан бир сонияга ҳам, ҳеч қандай хизмат юзасидан фойдаланмаслигимиз керак. Орамиздан назоратчи тайинладик. Фақат унинг телефони ёқиқ бўлади ва ҳар дақиқада бизларга кўнғироқ қилиб, синаб туради. Кимда кимнинг телефони ишлаётгани сезиб қолинса, у одам ҳаммамизнинг ҳисобимизни 5 минг сўмдан тўлдириб чиқишига келишдик. Таассуротларимизни эса блогимизга ёзадиган бўлдик.

Кечаси соат 12 бўлишини кутиб ўтирибман. Мен акциянинг бошқа иштирокчилари каби бедор эмасман, шунинг учун нечи қайта уйқимни ҳайдаб, сабр қилиб ўтирдим. Чунки бизнинг қатъий қонунига кўра, ундан кеч ҳам эмас, эрта ҳам эмас, айнан 12 да телефонлар ўчирилиши керак эди. Соат кутилган милларни кўрсатганда, шоша пиша телефонимни ўчирдим-у, уйкуга кетдим.

Тонгда кўзимни очиб, эс хонам чиқиб кетди. Ухлаб қолибман. Телефон билан бирга унинг ичидаги “будильник” ҳам ўчиқ-да. Эрталаб репетиторга боришим керак эди. Шкафимдан кўлимга илинган кийимни олиб кийиб, пардоз қилмай, нонуштадан ҳам воз кечиб, кўчага югурдим. Кечаси телефонни ўчирганимда, уйдан чиқиш олдида буни ойимга айтиб қўйишим кераклигини, бўлмаса хавотир олишларини хаёлдан ўтқизгандим. Лекин ўша кун азонлаб ойим касалхонадаги қариндошимизни кўргани кетган эканлар. Келишларини кутиб ўтиролмадим.

Репетитор домламнинг уйига бориб, ундан кеч қолганим учун узр сўрасам:

- Ҳеч қиси йўқ, барибир бугун дарс ўтолмайман. Уйимда усталар, таъмир ишларини бошлаганман. Ўтиришга ҳам жой йўқ. Эрталаб 6 даноқ сенга кўнғироқ қилгандим, айтиб қўйишга, телефонинг ўчиқ экан. – дейди.

Тарвузим кўлтигимдан тушди. Шунча шошиб, узоқ жойдан келганим бекор кетдимми?

- Нима қилай? Мен огоҳлантирмоқчи эдим, нечи марта телефон қилдим – деди домлам елка қисиб.

- Майли, айб ўзимда, телефонимни ўчиргандим – деб чиқиб кетдим. Иш бошланадиган вақтга хали бор. Вақтли бориб нима қиламан у ерда, дедим-да, хиёбонларни айланиб юрдим.

Ишга борсам, ҳамма менга хўмрайиб

қараяпти. Худди буларнинг арпасини ҳам ўрганимдек. Бошлиқ саломимга алик олмай, бақира кетди:

- Қаерларда юрибсан? Сен ҳеч одам бўлмадинг. Қийин пайтда кўллаб юборсанг, ҳаққинг кетиб қолади. Бугун “комиссия” келаркан, чала ишларни қилиб қўяйлик, деб сўфи азон айтмасдан ҳаммани кўнғироқ қилиб чақирдим. Мана, келишди! Сен эса кимдандир бунинг хабарини топиб, атайлаб телефонингни ўчириб қўйгансан.

Унга қандай тушунтиришни билмадим. Нима дейман? Интернетдаги “Мобил телефонсиз бир кун” акцияси сабаб, дейманми? Кулгига қоламан-ку!

- Буни билмагандим. Майли, бирорта хизмат бўлса, айтинг, ҳозир қилиб бераман – дедим.

- Сизга биргина хизмат бор, малол келмаса, телефонингизни ёқиб қўйсангиз, хоним!

- Ёқолмайман-да! – деб юборибман.

- Нима?!  
- Вой, узр, уйда қолиб кетибди, демоқчийдим.

Иш тугаб, энди уйга кетаётганимда дугонам келиб қолди:

- Тирикмисан?!  
- Нима, мени ўлди, деб эшитганимидинг?

- Роса телефон қилдим, тушолмадим. Охири ўзим келдим. Маслаҳатинг керак эди.

Оббо, нима мен ёши бир жойга борган одамимдир, нега мендан маслаҳат олади? Мен қаердан биламан? Кўярда қўймай кўчага судраб кетди. Салқин жой топиб, анча ўтирдик. Йигити билан уришиб қолганидан ҳасрат қилди. Мен ҳам, билмайман деганим билан, анча нарсаларни ўргатдим. Ундай қилма, бундай қил, деб гапимни тугатганимча вақт алламахал бўлиб қолибди. Уйга борсам... Дадам кўча бошида, акам эшик тагида, ойим телефон тепасида турибди. Мени кўриб, бошида негадир хурсанд бўлиб кетишди, кейин хаммалари бараварига бақира бошлашди. Ҳеч нарсага тушунолмаб турибман. Кейин сабабини бир гапириб, ўн уришиб айтиб беришди. Ойим эрталабдан бери бир неча марта хабар олай, деб кўнғироқ қилган. Телефон ўчиқ бўлавергач, ваҳима қилишни бошлаган. Дадам ва акамни оёққа турғизган. Улар ҳар ердан излашган, ишхонага 2 марта келиб кетишган, чиқиб кетган бўлганман. Кечаги-

на мен ахлоқ интернетдан ойимга одам ўғирлаган ва органларини чет элга пуллаган фирибгарлар ҳақидаги хабарни ўқиб бергандим. Шуни ушлаб олиб, жанжал кўтарибди. Хатто милицияга ҳам хабар қилишибди. Улар йўқолган одам устидан 48 соатдан кейингина қидирув бошлаш мумкинлигини айтишибди. Кейин “таниш-билишчилик”ни ишга солиб, холамнинг милиционер ўғлига билдиришибди. У ҳозир мени милиционерлар билан бирга қидираётган экан. Ойим яна телефон олдига бориб, бирма-бир кўнғироқ қилиб чиқишни, ҳаммага “топилганим” хабарини беришни бошлади. Ўша кун уй телефони тинмади. Бу воқеа бутун қариндошларга тарқаб кетибди. Мен бечоранинг телефони ўчиқлиги ҳақидаги хабар тилдан тилга кўчиб, “йўқолиб қолибди”, “ўғирлаб кетишибди”, “қочиб кетибди”, “уч кундан бери уйда йўқмуш” тарзида “болалаб” кетибди.

Кечки пайт жияним келди. Унга телефонимга ўтказиш учун классик кўшиқлар топиб беришни буюргандим.

- Айтганларингни олиб келдим. Моцарт, Бах, Бетховен, Чайковский, Шопен – ҳаммаси бор! “Блутуз”ингни ёқ, ташлаб бераман.

- Ҳм... Ҳозир эмас. Телефоним ўчганди. Яхшиси компьютерга ўтқизиб бер, кейин ўзим олволаман.

- Эй, йўқ, бунақаси кетмайди. Компьютерингдан вирус юктириб олса-чи! Ўзинг тушунасан, менда қиммат аппарат. Телефон ўчирилган бўлса ҳам, файл ўтавери-ку. Ҳозир, бир дақиқа!

20 та одамга 5 минг сўмдан пул ўтказиш кўзимга кўриниб кетди.

- Телефонимга тегма! Кўй жойига! – бор овозим билан бақириб юбордим.

- Майли, ўзинг биласан. Мен бу классикаларингни телефонимда сақлаб юролмайман, ўчириб ташлайман. Қаердан топсанг, топиб олавер энди. Эх, битта шунга деб узоқ йўлдан келиб ўтирибман-а!

- Намунча гапирдинг? Бўпти, такси пулини бераман!

- Олдин телефонингга тўлаш учун пул топвол. Учиб ётибди-ю.

Тавба, энди телефони ўчиқ одамни ҳам ерга уришар экан-да! Тезроқ соат 12 бўлсин, ёқаман!

12 ҳам бўлди, телефонимни ҳам ёқдим. Қарасам, 307 та кўнғироқ, 129 та SMS! SMSларни ўқиб, на кулишимни биламан, на йиғлашни. Бир марта хол-ахвол сўраб ёзган одамлар, жавоб бўлмагач,

яна басма-бас SMS ёзишибди. “Ташунмадим, нега бундай қилиясан? Мендан хафамисан?”, “Билардим, охири пайтлар мени менсимай қўйдинг. Энди эшитгинг ҳам келмаяпти”, “Мендан ўзингни олиб қочиш учун яхши усулни ўйлаб топибсан”. Яқин дугонам касалхонага тушгани ҳақида ёзган экан, табиий, унга ҳам жавоб қайтарилмаган. Кетидан ёзибди: “Биров ўлай деб турса ҳам, парвойинга келтирмайсан-а? Мен олдимга югуриб келади, деб ўйлагандим, сен эса лаоқал телефон қилиб қўймадинг”. Ва яна бирқанча захарханда гинаномалар. Курсдошларимнинг SMSи ҳаммасидан кўра аянчли бўлди. “Бугун кечги соат 4 да ўқишимиз олдидаги кафедра йиғилияпмиз. Албатта бор!”, “Нега келмаясан? Ҳамма шу ерда”, “Бекор келмадинг-да. Мазаза қилиб ўтирдик. Ҳечам бунақаси бўлмаганди. Лекин хафа бўлма, биз ҳали яна бу ерга келмоқчимиз. Фақат кейинги ёзги таътил-да”.

SMSларни ўқиб чиққунимча соат 2 бўлди, вазиятни тушунтириб ҳар биттасига жавоб SMSи ёзиб чиққанимда соат 4 эди. Ундан кейин ҳам кўзимга уйқу келмади. Уйланиб қолдим, атиги бир кун телефон алоқасидан фойдаланмаганим учун шунча жанжал, шунча асаббузарлик, гап эшитиш. Одамлар мени нотўғри тушуниб, меҳнатдан қочганга, айёрга, бедарак йўқолганга, қочиб кетганга, пули йўққа, оқибатсизга чиқаришди, хатто тирикчилигимга ҳам шубҳа билдиришди.

Бир оздан сўнг бугун “хизмат”даги телефоним яна бир қайноқ кундаги илк вазифасини бажара бошлади: “будильник” жириглади. Яшавор! Буларкан-ку! Аммо бугунги “хониш”ларидан фойда йўқ, ўчириб, ухлайман. Нима бўлса бўлсин, бугун ишга боролмайман. Чунки кеча “Мобил телефонсиз бир кун” акциясининг фаол ва ҳаққоний иштирокчиси булганман.

Дурдона АЛИМОВА

**НОВЫЙ РУССКИЙ МАГАЗИН**  
Рядом с Вашим домом  
**SUPER FOODS**  
701 Kings Hwy  
Brooklyn  
(718)758-4470

На углу Kings Hwy и East 7 street

## Grand Opening of SUPER FOODS

Бруклиннинг “Kings Highway” кўчаси марказида янги “SuperFoods” Рус-Ўзбек озиқ-овқат дўкони ишга тушди. Бу ерда сиз СУПЕР СИФАТЛИ рус, ўзбек ва турк озиқ-овқат маҳсулотларини СУПЕР АРЗОН НАРХЛАРДА топасиз. Дўконимиз “Kings Highway” ва “East 7th Street” кўчалари кесишган жойда жойлашган.

Манзил: 701 Kings Highway, Brooklyn, NY.

|  |                                    |  |                                       |   |                           |
|--|------------------------------------|--|---------------------------------------|---|---------------------------|
| SOUR CREAM<br>СМЕТАНА<br>\$1.99                                | KEFIR<br>\$2.79                    | CASHEWS<br>ОРЕХИ<br>КЕШЬЮ<br>\$6.99 LB | DRIED APRICOTS<br>КУРАГА<br>\$2.99 LB | MEDIUM EGGS<br>ЯЙЦА<br>(СРЕДНИЙ РАЗМЕР)<br>\$1.29 | BUTTER<br>МАСЛО<br>\$2.49 |
| ПЕЛЬМЕНИ<br>-VEAL<br>-BEEF<br>-CHICKEN<br>-VEGETABLE<br>\$3.29 | COTTAGE CHEESE<br>ТВОРОГ<br>\$3.99 | PISTACHIOS<br>ФИСТАШКИ<br>\$5.99 LB    | ALMONDS<br>МИНДАЛЬ<br>\$3.99 LB       | MILK<br>МОЛОКО<br>QUARTER GALLON<br>\$1.19        | BREAD<br>ХЛЕБ<br>\$1.89   |

